

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ
ФРАНЦУЗ ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ КАФЕДРАСИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК 43 фр
КБК 81.2 Фр-4
С 18

Санақулов Ҳасанжон

**СЎЗ БИРИКМАЛАРИНИ ЛЕКСИКОГРАФИК КОДИФИКАЦИЯ-
ЛАШДА ОНОМАСИОЛОГИК ТИЗИМЛАШТИРИШ
ИМКОНИАТЛАРИ**

(“Французча-ўзбекча мавзули луғат” лойиҳаси мисолида)

5А 120102 –лингвистика (француз тили) мутахассислиги
бўйича магистр даражасини олиш учун

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯ

“ҲИМОЯГА ТАВСИЯ ЭТИЛАДИ”

“Француз тили ва адабиёти кафедраси
муздари” _____ ф.ф.н. Н.Н.Сувонова
2015 йил “__” _____

Магистратура бўлими бошлиғи
_____ доц. Э. А.Искандаров
2015 йил “__” _____

ИЛМИЙ РАҲБАР:

_____ ф.ф.н., доц. С.И.Исмоилов
2015 йил “__” _____

Самарқанд - 2015

**MINISTÈRE DE L'INSTRUCTION SUPÉRIEURE ET SECONDAIRE
SPÉCIALISÉE DE LA RÉPUBLIQUE D'OUZBÉKISTAN
INSTITUT DES LANGUES ÉTRANGÈRES D'ÉTAT DE SAMARCANDE
CHAIRE DE LANGUE ET LITTÉRATURE FRANÇAISES**

Aux droits de manuscrit

*УДК 43 фр
КБК 81.2 Фр-4
С 18*

SANAQULOV HASANJON

**POSSIBILITÉS DE LA SYSTÉMATISATION ONOMASÉOLOGIQUE À
LA CODIFICATION LEXICOGRAPHIQUE DES UNITÉS LEXICALES**

(à l'exemple du projet du "Dictionnaire thématique français-ouzbek")

THÈSE DE MASTER DE LINGUISTIQUE FRANÇAISE

présentée pour être reçu grade de master de la direction

5A 120102 – spécialité de linguistique française

“RECOMMANDÉ À LA SOUTENANCE” DIRIGEANT SCIENTIFIQUE:

“Chef de la chaire de langue et littérature française” _____ chargé de cours

_____ candidat ès lettres

S.I.Ismoïlov

N.N.Souvonova

“ ___ ” _____ 2015

“ ___ ” _____ 2015

Chef du département de maîtrise

_____ chargé de cours

E.A.Iskandarov

« ___ » _____ 2015

Samarkand - 2015

МУНДАРИЖА

КИРИШ	5
I БОБ. СЕМАСИОЛОГИК ВА ОНОМАСИОЛОГИК ЁНДАШИШ АСОСИДА ЯРАТИЛГАН ФРАНЦУЗ ТИЛИ ЛУҒАТЛАРИНИНГ ТАВСИФИ	
1.1. Лексикографик кодификациялаш турлари ва принциплари	13
1.1.1. Қоғозда битилган луғатлар/электрон луғатлари/рақамли луғатлар ..	15
1.1.2. Соф луғатлар/иллюстрацияли луғатлар/тасвирли луғатлар	16
1.1.3. Биртилли луғатлар/кўптилли луғатлар	17
1.1.4. Сўз ёки тил ҳақидаги луғатлар/нарсалар ҳақидаги луғатлар	17
1.1.5. Экстенсив луғатлар/рестриктив луғатлар.....	18
1.1.6. Алфabetик луғатлар/тематик луғатлар	19
1.2. Мавзули ўқув луғатлари тил бирликларини кодификациялаш муаммолари.....	19
1.3. Икки тили ўқув луғатида сўз бирикмаларининг минимуми.....	22
1.4. Бир тилли мавзули луғатлар яратишда ономасиологик кодификациялашнинг имкониятлари.....	24
I боб бўйича хулосалар	27
II БОБ. СЎЗ БИРИКМАЛАРИНИ ОНОМАСИОЛОГИК КОДИФИКАЦИЯЛАШ	
2.1. “Politique” концептини вербаллаштирувчи сўз бирикмаларини ономасиологик тизимлаштириш.....	29
2.2. “Théâtre” концептини вербаллаштирувчи сўз бирикмаларини ономасиологик тизимлаштириш.....	43
2.3. “Enseignement supérieur” концептини вербаллаштирувчи сўз бирик-маларини ономасиологик тизимлаштириш	50
2.4. “Travail” концептини вербаллаштирувчи сўз бирикмаларини ономасиологик тизимлаштириш.....	57
II боб бўйича хулосалар.....	72

III БОБ. “ФРАНЦУЗЧА-ЎЗБЕКЧА МАВЗУЛИ ЛУҒАТ”ДА	
ТИЛЛАРАРО ЭКВИВАЛЕНТЛАРНИНГ АКС ЭТИШ ДАРАЖАСИ	
3.1. “Французча-ўзбекча мавзули луғат”да лексик бирликларни кодификациялашда тилларга хос хусусиятлар	74
3.2. “Французча-ўзбекча мавзули луғат”да лексик бирликларни кодификациялашда тил нормаси масаласи.....	77
3.3. Лексик бирликларни кодификациялашда грамматик нормаларнинг аҳамияти.....	80
3.4. Лексик бирликларни кодификациялашда мантиқий боғлиқликнинг роли.....	81
3.5. “Французча-ўзбекча мавзули луғат”ида сўз бирикмаларнинг минимуми.....	84
3.6. Лексик бирликларни кодификациялашда тиллараро қонуний мосликлар ҳақида	87
III боб бўйича хулосалар	90
ХУЛОСА	93
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	96
Иловалар.....	101

КИРИШ

Тадқиқотнинг долзарблиги. Ўзбекистан Республикаси мустақилликка эришгач, юртимиз ҳаётининг барча жабҳаларида, жумладан илм-фан ҳамда таълим тарбия соҳасида кўп ўзгаришлар юз берди. Айниқса ёш авлод юртимиз, Ватан равнақи деб тинмай, самарали меҳнат қилмоқда. И.А.Каримовнинг "Илму фаннинг чинакам равнақига эришиш учун ташқи дунёга эшикни кенг очиш керак"¹ ва "Илму фан соҳасидаги ҳаракатларимиз ҳам, илмий ишларимиз ва ютуқларимиз ҳам дунёдаги энг илғор мезонлар билан ўлчаниши лозим"² деган фикрлари фанимиз таракқиёти учун назарий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Ҳаммага маълумки, тилни ўрганишда тадқиқотчилар икки хил функционал ёндашиш - семасиологик ва ономасиологик усулдан фақат биттасини танлаб оладилар. Бу усулларни бир-биридан фарқлаш зарурати гапирувчи ва тингловчи фойдаланадиган тил структураларининг ўзига хослигидан келиб чиқади. Бу структуралар бир хил эмас, чунки тил ходисасини ўрганишга гапирувчи тилга боғлиқ бўлмаган мазмун томондан ёндашса, тингловчи унинг шакли томонидан ёндашади. Нутқ фаолияти жараёнида гапирувчи нафақат мазмун структураларидан, балки формал структуралардан ҳам фойдаланади, бироқ бу улар ўртасидаги принципиал фарқни - уларнинг чўзилиш даражасидаги фарқни олиб ташламайди. Айнан шунинг учун, биринчи турдаги структураларда тилнинг алоҳида бир хил мазмун категориясини ифодалайдиган воситалари ўртасидаги формал ўхшашлик омили мазмун омилига нисбатан этакчидир, формал структураларнинг чўзиқлиги мазмун структураларининг чўзиқлигига қараганда одатда камроқ бўлади. Шу сабабдан бўлса керак, француз тилининг грамматик ва лексик бирликларини ўрганишда, уларни лексикографик манбаларда кодификациялашда, аксарият ҳолларда, семасиологик усулга муражаат этиб келишган [Гак МВ.Г. К типологии функциональных подходов к изучению языка//Проблемы функциональной грамматики/ под ред. Ярцевой В.Н. М., 1985. С.15; Падучева Е.В.

Семантические исследования. - М., 1996.]. Француз луғатларининг асосий турлари ҳам тил шакллариға семасиологик ёндашиш асосида вужудга келган [Nouveau Petit Robert (Le), Dictionnaire alphabétique et analogique de la langue française, rédaction dirigée par Alain Rey et Josette Rey-Debove, Dictionnaires Le Robert, P., 1993, 1999; Rey A. La définition dans les dictionnaires // en Actes du Colloque sur la définition organisé par le Centre d'études du lexique, Larousse, Paris, 1990]. Мазкур тадқиқотда эътиборимизни систем-нутқ шароитида ономасиологик муносабатнинг воқеланиш йўллари ва унинг концепт ва сўз ўртасида тутган ўрнини аниқлашга қаратамиз.

Энг аввало, ономасиологик ва семасиологик усуллардан гапирувчи ва тингловчи томонидан тил ва нутқ сатҳларида фойдаланишнинг ўзига хос фарқларини кўриб чиқайлик. Тил ҳодисаларини кўриб чиқишнинг ономасиологик усули гапирувчи ўз фаолиятида қандайдир тилдан ташқаридаги мазмунга асосланишини назарда тутди ва бу мазмунни тил шаклига ўтказди; бунда гапирувчи ихтиёрида бўлган тил тизимидан у ёки бу тил шаклини танлаб олади ва тизим-тил ҳолатидан нутқ ҳолатига янгидан ўзгартиради (формуласи: "тилдан ташқари мазмун → тил шакли/тил тизими →нутқ"). Семасиологик ёндашув тингловчининг нутқ фаолиятини биринчи планга чиқаради ва, демакки, тесқари (қарама-қарши) ўтишларни ҳисобга олади: "нутқ → тил тизими/ тил шакли → тилдан ташқари мазмун". Тингловчи ўз фаолиятида нутқ материалига таянади, бу материал асосида унинг онгида тил тизими шаклланади. Бу тизимдан фойдаланиб, тингловчи гапирувчи томонидан тақдим этилаётган тил шаклини тушунади, яъни уни у ёки бу тилдан ташқаридаги мазмун билан ўзаро нисбатлайди.

Ҳозирги пайтга қадар грамматик ҳодисаларни ўрганишга семасиологик ва ономасиологик ёндашув асосида вужудга келган француз грамматикалари иккита - структур ва функционал шаклда мавжуддирлар. Структур-семасиологик грамматика тилни тингловчи нуқтаи назаридан,

яъни "нутқ → тил тизими" йўналишида талқик қилади. Функционал - семасиологик грамматика тилнинг қўлланишини тингловчи нуқтаи назаридан, яъни "тил шакли → тилдан ташқаридаги мазмун" йўналишида тадқик қилади. Структур-ономасиологик грамматика тилни гапирувчи нуқтаи назаридан, яъни "тилдан ташқари мазмун → тил шакли" йўналишида тадқик қилади. Функционал-ономасиологик грамматика эса тилнинг қўлланишини гапирувчи нуқтаи назаридан, яъни "тил шакли → нутқ" йўналишида тадқик қилади.

Француз грамматикасида ономасиологик йўналишга мансуб концепцияларнинг таҳлили уларнинг доирасида учта - структур, функционал ва структур-функционал тенденцияни ажратиш мумкинлигини кўрсатмоқда. Биринчи тенденциянинг вакили - Ф.Брюно [Brunot F. La pensée et la langue. P., 1922]. Унинг грамматикаси структур-ономасиологик принцип асосида тузилган. Иккинчи тенденциянинг вакили - Г. Гиём [5 Guillaume G. Psycho-systématique du langage. P., 1971]. Унинг грамматикаси функционал-ономасиологик грамматикадир. Учинчи тенденция вакили Ш. Балли [Балли Ш. Французская стилистика. М., 1961] бўлган. Унинг грамматикасини нафақат структур-ономасиологик, балки функционал-ономасиологик грамматика, деб ҳисоблаш тўғри бўлади. Функционал грамматикалар қаторига Л.Теньернинг ономасиологик синтаксиси ҳам киради. Ф.Брюно ва Ш.Баллини замонавий ономасиологик грамматиканинг асосчилари, деб айтиш мумкин. Уларнинг ҳар бири ўз йўли билан бундай грамматикани юзага чиқарган. 1909 йилдаёқ Ш.Балли ёзган эди: "Демак, тилнинг барча соҳиблари онгида яшаётган тушунчалар, логик категориялар ва муносабатлардан ҳар бирини ифодалаш учун тил гапирувчилар ихтиёрига берган воситаларни аниқлашнинг ягона рационал усули - тизимлаштиришнинг бошланғич нуқтасига уларни олишдан иборатдир" (Балли Ш. Французская стилистика. М., 1961, 296). Семасиологик грамматиканинг зарурлигини инкор этмасдан, Ф.Брюно янги типдаги грамматиканинг вақти этиб келди, деб ҳисоблайди. Янги -

идеологик - грамматиканинг мақсадини у ономасиологик асосда, яъни тилнинг ифодали воситаларини маълум ономасиологик категориялардан бошлаган ҳолда тизимлаштиришдан иборат, деб билади. Бунда ҳар бир категория тилнинг ҳар хил сатҳдаги - сўз ясовчи, лексик, морфологик ва синтактик воситаларини бирлаштириш учун асос сифатида қўлланиши керак. Ф.Брюно структур-ономасиологик грамматикасининг янгилиги айнан шундан иборат эдики, унинг муаллифи тилнинг мазмун структуралари таркибига ҳар хил сатҳга мансуб birlikларини киритиб қўяди, айти пайтда анъанавий ономасиологик грамматиканинг намояндалари тилнинг у ёки бу мазмун структурасининг таркибини маълум бир сатҳнинг birlikлари билан чегаралаб қўйган эдилар. Ф.Брюно сатҳлараро типдаги ономасиологик грамматикани бошлаб берди. Бу типдаги грамматика ҳозирги пайтда чет тилларни ўқитиш амалиётида кенг қўлланшига эга.

Энди концепт ва сўз ўртасидаги ономасиологик мунасабат масаласи устида тўхтайлик. Сўз ва концепт ўртасидаги нисбатни, одатда, когнитив ономасеология ўрганади. У анъанавий ёндашувга қарама-қарши қўйилиши билан, концепт деб тушуниладиган лексик birlikнинг оддий тадқиқотини орқада қолдиради; у илгари ҳам мавжуд бўлган концептларни ёки янгича ифодаланувчи концептларни номлаш учун тил birlikларини тизимлаштириш жараёнларини ўрганишга ҳам имкон беради. Бунда когнитив ономасеология ва когнитив грамматика концепт ва лексик birlik ўртасидаги алоқанинг семантик ва когнитив аспектини қамраб олади. Когнитив грамматика нуқтаи назаридан, грамматик birlikлар иккита қўшимча аспектларга эга символлардир: семантик аспект ва фонологик аспект. Шу маънода, концепт ва сўз ўртасидаги ономасиологик боғланиш - бу воқеланиш муносабатидир.

Шундай бўлсада, ономасиология ва когнитив грамматика мақсадлари ва методологиялари бўйича бир-биридан фарқ қиладилар. Когнитив грамматика, маънога урғу берган ҳолда, умуман грамматик тизимнинг

қўлланиши билан қизиқади, ономасиология эса, фақат концепт ва номлаш бирлиги ўртасидаги алоқа ҳақида гап кетган пайтдагина, бу билан қисман қизиқади. Демак, грамматика грамматик тизимнинг ва грамматик birlikларнинг қўлланишини тасвирлайди, ономасиология эса концепт назарига тушган лексик birlikларнинг тизимлаштирилишини ўйлайди. Масалан, “théâtre” концепти доирасида мавжуд бўлган лексик birlikларни танлаб олиш ва уларни *salle, scène, artiste, pièce, rôle, public, billet* ва ҳ.з. сценария ва скриптлар бўйича тизимлаштириш вазифа қилиб қўйилади.

Ономасиологиянинг ўзи янги birlikларнинг шаклланиш жараёни бўлмасада, у номлашларнинг концептларга ранг-баранг кўринишларда берилишини, демакки, гапирувчиларда когнитив ва экспрессив сифимининг тўлдирилиш ва таъминланиш жараёнини ўрганади. Ономасиологик планда, когнитив сифим туфайли тил ном тақдим этилиши керак бўлган экстралингвистик борлиқни қуршаб олади. Шу тарзда экстралингвистик элемент бўлмиш концепт ва тил тизими элементи бўлмиш лексик birlik ўртасидаги ўзаро алоқанинг мавжудлиги таъкидланади. Янги концептни номлаш жараёни номланадиган объектнинг концептуал таҳлилларидан олдин боради. Бу таҳлиллар охирида концептнинг соф концептуал категорияси юзага келади: субстанция, ҳаракат, ҳолат, сифат, ва ҳ.з. Ономасиология, демак, экстралингвистик (концептуел) тизимдан лингвистик (ёки терминологик) тизим томон борадиган ҳаракатдир.

Шундай қилиб, ономасиологик планда номларни тақдим этиш жараёни учта операциядан ташкил топади: тил тизимида мавжуд бўлган сўз ва ибораларни концепт доирасида тизимлаштириш, концепт доирасидаги сўз ва ибораларнинг социал қийматини аниқлаш ҳамда ушбу лексик birlikларнинг миллийлик ва ўзлаштирилганлик даражасини белгилаш.

Ҳулоса ўрнида айтиш мумкинки, ономасиология ва семасиология ибора-концепт алоқасига ўзларининг ҳар хил ёндашишлари билан бир-

бирига карама-қарши қўйилади. Шу билан бирга, улар кўп жиҳатдан бир-бирини тўлдирадilar. Бири тўғрисида бошқасига шама қилмасдан туриб, сира ҳам тўла-тўқис гапириб бўлмайди. Модаллиги семасиологияга тегишли бўлган сўз ва ибораларга келсак, гап айнан бир лексик бирликнинг ҳар хил маъноларини синчиклаб ўрганиш ҳақида бўлган бўларди, аммо ономасиологик планда, ушбу концепт ўзига тақдим этиладиган шаклни қанақа лексик воситалар орқали топа олиш йўлларни белгилаб олишдан иборат бўларди. Мулоқот жараёнида ономасиологик усул тил соҳибларига айнан бир тушунчани номлаш учун хос ибораларнинг кўплигига кўрғазмали тарзда ишонч ҳосил қилишга имкон беради, дарсликлар, ўқув қўлланмалар ва луғатларнинг муаллифларига эса лексик норма бўлиши керак бўлган материаллардан яхши хабардор бўлишга ёрдамлашади.

Агар тадқиқотлар доирасида тил фактларини лексикографик кодификациялаш борасида ономасиологик ёндашиш омилларидан фойдаланиш имкониятларига етарлича эътибор қаратилмаган бўлса, шунинг ҳолатнинг ўзи ҳам мазкур мавзуни тнлашимизнинг **долзаблигидан** далолат бериб туради.

Тадқиқотнинг объекти француз тили сўз бирикмаларини ономасиологик тизимлаштириш имкониятларини ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг предмети - Ономасиологик тизимлаштирилган сўз бирикмаларни “Французча-ўзбекча мавзули луғат”да лексикографик кодификациялаш имкониятларини таҳлил этиш.

Ишнинг асосий мақсади “politique”, “enseignement supérieur”. “théâtre”. “travail” концептларига оид француз тилида мавжуд бўлган лексик бирикмаларни жамлаш, ономасиологик тизимлаштириш ва французча-ўзбекча мавзули луғатда кодификациялашдан иборатдир.

Тадқиқотнинг асосий вазифалари. Мазкур магистрлик диссертацияси олдига қуйидаги вазифалар қўйилди: а) тил фактларини семасиологик ва оно-масиологик ёндашиш асосида тадқиқот қилишнинг

моҳиятини аниқлаш; б) семасиологик ва ономасиологик ёндашиш асосида тузилган ҳозирги француз луғатларни таҳлил этиш; в) мавзули луғатларида лексик birlikларини коди-фикациялашдаги муаммоларни аниқлаш; г) “politique”, “enseignement supé-rieur”, “théâtre”, “travail” концептларига оид лексик birlikларни тизимлаш-тириш ва лексикографик кодификациялаштириш; д) “Французча-ўзбекча мавзули луғат”да тиллараро эквивалентларнинг акс этиш даражаси аниқлаш; е) ўрганиладиган концептлар бўйича лексик birlikларнинг французча-ўзбекча лексикографик вариантларини тайёрлаш.

Тадқиқот базаси. Магистрлик диссертациямизнинг тадқиқот базасини 3875 та лексик бирикмалари ташкил этди, жумладан: “politique” концепти бўйича - 1221та, “enseignement supérieur” – 600та, “théâtre” – 365та, “travail” – 1989та. Бу иборалар француз тилининг энг янги луғатлари асосида тўпланди.

Тадқиқот турли методлардан комплекс фойдаланиш асосида олиб борилди. Булар – лексикографик кодификациялаш, семасиологик ва ономасиологик ёндашиш методи, қиёсий типологик ҳамда компонент ва контекстуал таҳлил методлари.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Сўз ва сўз бирикмаларини лексикографик кодификациялашда ономасиологик ёндашув усули биринчи бор қўлланилди ва шу асосда бир қатор концептларга оид лексик воситалар тизимлаштирилди. Ҳар бир концептга оид тушунча ва тасаввурлар француз ва ўзбек тиллари ва маданиятларида ўзига хос акс этиш усуллари ва ифода воситаларига эгадирлар. Лексик воситаларнинг семантик умумийлиги ва фарқлари лексик-семантик ҳамда типологик-таржима воситалари тизимида аниқланди. Ҳар бир лексик-семантик гуруҳ ўз мазмун кўлами ва функцияси билан француз ва ўзбек тилларида ҳар доим ҳам бир-бирига мос келмаслиги аниқланди. Ҳатто бир стереотип бирикма компонентларидан бирининг ўзгариши ёки компонентлари миқдорининг камайиши ҳам унинг мазмун кўламига таъсир қилиши

расмийлаштирилди. Диссертация икки тилли мавзули луғатлар тузиш назариясини бойитишга ўз улушини қўшади.

Тадқиқотнинг назарий аҳамияти. Концептлар бўйича лексик бирликларни ономаσιологик ёндашув асосида лексикографик тизимлаштириш назариясини ишлаб чиқишдан иборатдир. Сўз ва сўз бирикмаларни мавзули луғатларда лексикографик кодификациялашнинг асосига қўйилган методика бошқа концептларга хос лексик бирликларни ўрганишда ва уларни лексикографик кодификациялашда ҳам фойдаланиши мумкин.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти. Тадқиқот натижалари француз тили лексикологияси, лексикографияси, фразеологияси, ҳамда француз ва ўзбек тилларининг қиёсий типологияси, таржимашунослиги ва луғатшунослиги бўйича амалий дарсларда, семинарларда ва назарий курсларда қўлланилиши мумкин. Концептга оид сўз бирикмаларни лексикографик кодификациялаш бўйича ўқув қўлланмалари, курс ва битирув малакавий ишлари ёзишда ҳамда илмий тадқиқотлар олиб боришда фойдаланилиши мумкин.


Ишнинг структураси ва ҳажми. Магистрлик диссертациянинг мақсади ва олдига қўйган вазифалари ишнинг структурасини аниқлашга ёрдам берди. У (86 бет компьютерда терилган) кириш, уч асосий тадқиқот боби, хулоса ҳамда адабиётлар рўйхати (80 ном, шундан 36 таси чет тилларида) дан иборатдир.

I БОБ

СЕМАСИОЛОГИК ВА ОНОМАСИОЛОГИК ЁНДАШИШ АСОСИДА ЯРАТИЛГАН ФРАНЦУЗ ТИЛИ ЛУҒАТЛАРИНИНГ ТАВСИФИ

1.1. Лексикографик кодификациялаш турлари ва принциплари

Маълумки, барча тиллардаги, шу жумладан француз тилидаги луғатлар ҳам, энг аввало, уч турдаги ахборотни кодификациялашига қараб, бир-биридан фарқ қилади. Қиёслаб кўрайлик:



Замонавий лексикографиянинг қўлга киритган ютуқларини тараққий эттирган ҳолда, биз луғатларнинг ҳозирги даврга мос таснифини сизларга ҳавола этамиз. Ўттиз йиллар аввал, луғатлар уч қиррали тасниф бўйича гуруҳларга ажратилиши мумкин бўларди: биринчидан, рўйхатга киритилган тилларнинг табиатига кўра, иккинчидан, ўрганилган тил birlikларининг табиатига кўра ва, учинчидан, луғат birlikларнинг экстенциясига кўра. Ҳозирги кунда, биз луғатларни олтига катта гуруҳда қуйидаги олтига асосий критериялар асосида таснифлаш имконига эгамиз:


1. Презентация шакли (le mode de presentation),
2. Луғат микроструктурасининг материали бўйича (matériau de la microstructure du dictionnaire),
3. Ўрганилган тил ёки тилларнинг сони ва статуси бўйича (le nombre et le statut des langue(s) étudiée(s)),

4. Таъминланган ахборотларнинг сифатлари (хусусиятлари) бўйича (les propriétés des informations fournies),

5. Луғат макроструктурасининг экстенцияси бўйича (l'extension de la macrostructure),

6. Луғат макроструктурасининг ташкиллаштирилиши бўйича (l'organisation de la macrostructure).

Демак, луғат тузиш принципини қуйидагича тасаввур қиламиз:



Бу критерияларга асосланган ҳолда, биз ҳар хил типдаги луғатларни бир-биридан фарқлаймиз.

1. Қоғозда битилган луғатлар/электрон луғатлари/рақамли луғатлар (dictionnaires sur papier/dictionnaires électroniques/dictionnaires numériques),

2. Соф луғатлар/иллюстрацияли луғатлар/тасвирли луғатлар (dictionnaires (proprement dits)/dictionnaires illustrés/dictionnaires en images),


3. Биртилли луғатлар/кўптилли луғатлар (dictionnaires monolingues/dictionnaires plurilingues),

4. Сўз ёки тил ҳақидаги луғатлар/нарсалар ҳақидаги луғатлар (dictionnaires de mots ou de langue/dictionnaires de choses ou encyclopédiques),

5. Экстенсив луғатлар/рестриктив луғатлар (dictionnaires extensifs/dictionnaires restrictifs),

6. Алфабетик луғатлар/тематик луғатлар (dictionnaires alphabétiques/dictionnaires thématiques).

Луғатларни бир-бирдан фарқлаш қуйидаги кўринишга эга бўлади:



Энди бу луғат турларининг ҳар бирини уларнинг хусусиятларини эътиборга олган ҳолда ўрганиб чиқамиз.

1.1.1. Қоғозда битилган луғатлар/электрон луғатлари/рақамли луғатлар (dictionnaires sur papier/dictionnaires électroniques/dictionnaires numériques)

Сўнгги ўн йилликларга қадар луғатлар тағдимотининг ягона шакли, яъни қоғоз шакли мавжуд эди. Бироқ техник прогреслар бизга уларнинг янги шакллари ҳам тағдим этмоқда, ва ҳозирги кунда, биз экранда

ахборот берадиган электрон луғатлардан ҳам, рақамли луғатлардан ҳам фойдаланиш имконига эгамиз. Бу уч турдаги луғатларнинг ҳар бири, бир-бири билан рақаботлаша оладиган устунликларга эга.

Қозғозга битилган луғатлар ҳар хил форматда нашр қилинади: чўнтак размеридагилар олиб юришга мўлжалланган, катта форматдагилари эса бир жойда фойдаланиш учун яратилган бўлиб, кўп луғат мақолалари ва ахборотларни қамраб олади, бир неча жилдларгача етиб боради.

Электрон луғат луғат вазифасини ўтавчи электрон апаратидир. Биринчи электрон луғат, маълумки 1981 йилда яратилган Казининг TR-2000 (anglais-japonais) луғатидир. Биз бу луғатнинг хусусиятлари устида тўхталмаймиз, унинг интернетдаги тағдимооти тўғрисида маълумотларни www.casio-europe.com/fr/corporate/chronologyofproducts/detail/1981/ сайтдан олиш мумкин. 2020 та сўз- оғирлиги 53 грамм – қалинлиги 8 мм. Қулайлиги – қўл телефонларида олиб юриш ва фойдаланиш мумкин.

Рақамли луғат икки шаклда учрайди: *cédérom, dictionnaire en ligne*. Le *cédérom* луғатнинг қулайлиги – уни олиб юриш мумкин ва интернетга уланмасдан ундан фойдаланса бўлади. le *dictionnaire en ligne* фойдаланиш учун эса интернетга уланиш зарур бўлади. Уларнинг ҳар бири ўз устунлигига эга ва алоҳида шароитларда фойдали бўлади.

1.1.2. Соф луғатлар/иллюстрацияли луғатлар/тасвирли луғатлар (dictionnaires (proprement dits)/dictionnaires illustrés/dictionnaires en images)

Луғатларнинг кўпчилиги табиий тиллар материали асосида тузилган, уларнинг макроструктураси микроструктураси каби лингвистик материалдан тўқилади. Аммо янги педагогик ва лексикографик концептуализациялар оқибатида биз ҳозирги кунда образли, яъни расмли кўринишдаги луғатларга ҳам эгамиз. Бу луғатлар асосан чет тилларни ўқитиш ва ўрганиш синфларида фойдаланилади. Уларнинг устунлиги – иккинчи тил воситасидан фойдаланмаган ҳолда сўз шаклидан сўз маъносига ўтишга имкон яратади. Француз тилини ўрганишнинг барча

сатҳларидан, яъни бошланишда ҳам, тилни яхши ўрганган сатҳда ҳам улар жуда фойдали. Бу луғатлар асосан мавзулар бўйича тузилганлар. Мавзулар тақдимоти кундалик эҳтиёжларга қараб аниқланади.

Duden français dictionnaire en images. Бу луғатни тузишда техникларнинг, таржимонларнинг, мутахассисларнинг идеал меҳнати кўзга ташланади: кундалик ҳаётнинг ҳамма соҳаларига оид барча сўзлар берилган - 25 000 та сўз 368 рубрикада 25000 та график репрезентантлар орқали берилган. Расмларнинг кўпчилиги қора ва оқ рангда берилган; луғатда 8 та рангли расмлар жадвали мавжуд; француз ва немис тилларида.

1.1.3. Биртилли луғатлар/кўптилли луғатлар (dictionnaires monolingues/dictionnaires plurilingues)

Кўп тилли луғатлар иккига бўлинади: dictionnaire homoglosse/dictionnaire hétéroglosse.

Le dictionnaire homoglosse айнан бир тил тизимидаги вариантларни кодлайди. Бу ўзига хос лексикографик тўпламдир, унда кириш сўз сифатида шева ва диалектлар ёки қадимий тил сўзлари асосий луғат мақоласи сифатида тақдим этилади. Биринчи ҳолатда шева ва диалект луғатлари (масалан, picard-français), иккинчи ҳолатда эса қадимий француз тили луғатлари (масалан, dictionnaire de l'ancien français-français moderne).

Les dictionnaires hétéroglosses икки тури мавжуд: а) икки тилли луғатлар, масалан, dict. français-allemand; б) кўптилли луғатлар, масалан, dict. français-italien-espagnol. Les dictionnaires multilingues, à leur tour, se regroupent en deux : dictionnaire de langues anciennes et dictionnaire de langues vivantes.

1.1.4. Сўз ёки тил ҳақидаги луғатлар/нарсалар ҳақидаги луғатлар (dictionnaires de mots ou de langue/dictionnaires de choses ou encyclopédiques)

Тақдим этилган ахборотларнинг хусусиятларига кўра, луғатлар икки гуруҳга бўлинади. Сўз ёки тил луғатлари лингвистик белгилар тўғрисида

ахборотларни беради, айна пайтда нарса ёки энциклопедик луғатлар нарсалар тўғрисида ахборотларни беради.

Биринчи турдаги луғатлар ўз навбатида иккига булинади: умумий луғатлар ва ихтисослашган луғатлар. Бу луғатлар сўзлар ҳақида ҳар хил ахборотларни берадилар, масалан: феъл луғатлари, ўзак луғатлари, орфография луғатлари, аналогия луғатлари

1.1.5. Экстенсив луғатлар/рестриктив луғатлар (dictionnaires extensifs/dictionnaires restrictifs)

Номенклатурасининг экстенцияси кўра, луғатлар икки гуруҳга бўлинади: экстенсив ва рестриктив луғатлар. Экстенсив луғатлар бир тилдаги ҳамма бирликларни қамраб олади, шу жумладан, эскирган ёки диалектал сўзларни, ёки тилнинг ҳар хил регистрларини (soutenu, courant, familier, populaire); луғатларнинг бу типи одатда универсал луғат, деб аталади.

Рестриктив луғатлар мақсадига кўра номенклатурасини чегаралайдиган луғатлардир. Бундай луғатлар сифат жиҳатидан ранг-барангдир: булар – ёки техник лексикалар луғатлари, ихтисосликлар ва касбларга оид атамалар луғатлари, ёки умумфойдаланиладиган луғатлар. Кейингилари уч хил табиатга эга луғатлар бўлиши мумкин: *дескриптив* (умумистеъмолдаги луғатлар: Petit Larousse Dictionnaire du Français contemporain; des mots usuels: Dictionnaire du vocabulaire essentiel, Georges Matoré, Larousse), *прескриптив* (d. du bel usage : Dictionnaire de l'Académie française, 1718, 1835 ; d. du bon usage: Dictionnaire de la langue française, Émile Littré, Hachette, 1872), *коррептив* (d. de fautes : les Gasconnismes corrigés, Desgrouais, Toulouse, 1766 ; d. des difficultés : Dictionnaires des difficultés de la langue française, Thomas, Larousse). Ҳамма ҳолатларда, рестриктив луғатлар бир тилдаги лексиканинг каттароқ ёки кичикроқ қисмини танлаб оладиган селектив луғатлардир.

1.1.6. Алфabetик луғатлар/тематик луғатлар (dictionnaires alphabétiques/dictionnaires thématiques

Макроструктуранинг ташкил қилинишига кўра, луғатларнинг икки тури кўзга ташланади: алфabetик луғатлар/мавзули луғатлар. Биринчи турдаги луғатларда луғат мақолалари кўрилаётган тилнинг алфавит тартибида берилади, мавзули луғатларда эса луғат бирликлари мавзулар бўйича рўйхатга олинади.

Алфавит тартибида гуруҳлаш луғат макроструктурасини шакллантириш мақсадида лексик бирликларни тартиб билан жойлаштиришни хоҳлаган лексикографнинг ишини осонлаштиради ҳамда керакли луғат бирлигини излаб топишда луғатдан фойдаланувчига қулайлик яратади. Аммо бу луғатларнинг камчилиги шундан иборатки, улар бирликларни алоҳида ажратиб қўяди ва семантик ёки морфологик боғлиқликка эга бўлган бошқа бирликлар билан уларни қиёслашдан маҳрум этади. Луғат бирликларини тушунчалар ёки мавзулар бўйича жойлаштириш эса бу бўшлиқни тўлдирди, чунки идеологик ёки мавзули деб аталувчи луғатлар алфавит тартибида бир-биридан узоқ жойлашган, шаклан ёки мазмунан боғланган бирликларни бир мақола ичида қайта гуруҳлайди. Демак, мавзули жойлаштириш шахслар, нарсалар ва тушунчалар ўртасида ўрнатилаётган муносабатларни тўғри йўлга солиб юборишдек устунликка эга. Шундай қилиб, луғатларнинг замонавий типологиясини ёрқин кўрсатиб берувчи қуйидаги схема орқали биз ўз фикримизга хулоса ясаймиз.

1.2. Мавзули ўқув луғатларида тил бирликларини кодификациялаш муаммолари

Ўқув мавзули луғат лексикографик қўлланма сифатида ҳали шаклланиш жараёнида турибди. Шунинг учун ҳам бундай луғатни тузиш ва уни ўқув жараёнида қўллаш соҳасида кўплаб назарий ва услубий масалаларнинг вужудга келиши тушунарлидир. Энг аввало «мавзули

луғат» номининг ўзини ойдинлаштириш керак бўлади, чунки бу атамадан фойдаланаётган луғатшунослар ва методистлар бу атама мазмунига ҳар хил маъно киритмоқдалар. Натижада мавзули луғат шу турдаги бошқа ўқув қўлланмаларидан етарлича аниқ чегараланмаяпти. Сўзларни мавзули таснифлашда анчагина қийинчиликлар пайдо бўлмоқда. Тилнинг сўз ва фразеологик бирликларини мавзули тақсимлаш принциплари махсус тадқиқотларга мухтождир. Фразеологик фонднинг мавзули луғатлардаги ўрни ва улушини назарий жиҳатдан асослаб бериш масаласи ҳам ҳали ечимини кутмоқда. Мавзули луғатда берилиши керак бўлган сўзларнинг семантик ҳажмини аниқлаш билан боғлиқ масала алоҳида эътиборга лойиқдир. Кўп маъноли сўзларни алоҳида ўрганиш жоиз бўлади. Ўқув луғатлари, шу жумладан мавзули луғатлар учун сўзларни танлаб олиш аллақачон мураккаб иш бўлмай қолган. Ўқув луғатшунослигида кўпмаъноли сўзларнинг лексико-семантик вариантларини танлаш масаласи энг долзарб масала ҳисобланади. Полисемантик сўзларнинг барча актуал маъноларини ҳисобга олмасдан туриб, фаол турдаги бўлажак мавзули луғатларни тасавур қилиш қийиндир. Ўқитишга мўлжалланган мавзули луғатлар фаол бўлишлари керак, улар сўз бирикмалари ва гаплар асосида тузилиши, яъни коммуникатив бирликлар бўйича материалга эга бўлиши лозим. Мавзули луғатга киритиш учун сўз бирикмаларини танлаб олиш билан боғлиқ бир қатор масалалар кўндаланг бўлмоқда: сўз бирикмаларини танлаб олиш принциплари, уларни луғатда жойлаштириш тартиби ва шу кабилар.

Асосига лексиканинг мавзули таснифи жойлаштирилган луғат мавзулидир. Маълумки, мавзули таснифлаш реал болиқдаги предметлар ва ҳодисаларнинг таснифига таянади. Мавзули гуруҳлар жиҳоз, кийим, бош кийими, ҳафта ва ой кунларининг номларини, транспорт турлари номларини, ўсимликларнинг номларини ва ш у кабиларни ўз ичига олади. Мавзули гуруҳлар майда гуруҳлардан ташкил топиши мумкиню Масалан,

хайвонлар гуруҳида яввойи ва уй ҳайвонлари бир-биридан фарқланади ва шунга ўхшаш.

Сўзларни мавзули таснифлаш бирликларнинг босқичма-босқич тизимидан иборатдир. Бу бирликлар ўқитиш мақсадларига, лексик минимумга кирувчи сўзларнинг доирасига кўра ҳар хил ҳажмда бўлиши мумкин. Шу туфайли ўқув луғатларида сўзларнинг мавзули гуруҳлари тўла тақдим этилмайди.

Мавзули гуруҳлар сўзларнинг лексик-семантик разрядларидан фарқ қилади. Тил луғат таркибини лексик семантик таснифлаш сўз маъноларини ҳасобга олган ҳолда амалга оширилади. Масалан, *proximité, approche, intimate, affinité, fidélité* сўзлари семантик умумийлик асосида бир лексико-семантик гуруҳга бирлашган. Ҳамма сўзлар «яқинлик» семасига эга.

Бироқ мавзули таснифлаш сўзнинг лексик маъносига ҳеч қанақа алоқаси йўқ деб ўйламаслик керак. Нофақат денотатни кўрсатиш, балки айнан шу предмет кирган синф тўғрисидаги ахборот ҳам сўзнинг лексик маъноси таркибига киради. Сўзларнинг лексик-семантик ва мавзули гуруҳларининг ўзаромуносабатлари тўғрисида гапирганда, кўп маъноли сўзлар ўзларининг ҳар хил маъноларида кўпинча ҳар хил мавзули гуруҳларга мансуб бўлишини ҳам таъкидлаш зарурдир. Шу боисдан мавзули луғатда айнан бир сўзнинг айрим ҳолларда бир неча мавзули гуруҳлар таркибида учрашиб қолишини мавзулар бўйича сўзларни тақсимлаш принципларининг бузулиши деб қарамаслик керак.

Мавзули луғат сўз семантикаси тўғрисида кўп миқдорда ахборот берувчи луғат туридир. Бундай луғатда мавзуларга тақсимланган сўзлар сўз бирикмаларида берилади. Мавзули гуруҳларга яна мавзу бўйича боғланмаган, аммо вазиятга кўра зарур бўлган сўзлар ҳам киритилади. Масалан, *enfant, gamin, gosse, garçon, bambin* мавзули гуруҳни ҳосил қилади ва бу гуруҳ билан муҳитга кўра *pleurer, jouer, s'amuser, parler* ва ҳ.к. сўзлари боғланган бўлади. Бу сўзларсиз бола мавзусини тўлиқ ёритиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам мавзули луғатда вазиятда зарур бўлган

лексика кенг қўлланади. Бу ҳолат нофақат отга, балки бошқа сўз туркумларига ҳам тегишлидир. Гап шундаки, фақат отларгина соф мавзулар бўйича осон таснифланади. Лексик минимумда берилган сўз туркумига мансуб бошқа сўзлар эса отлар билан бирикиб, отнинг мавзули гуруларига хизмат қилади. Шунинг учун ҳам ўқув мавзули луғатини тузишда отларни мавзули таснифлаш эмас, сўз туркумининг бошқа сўзларини мавзулар бўйича тақсимлаш ва уларни от сўз бирикмаларида бериш масаласи асосий қийинчиликни келтириб чиқаради.

1.3. Икки тили ўқув луғатида сўз бирикмаларининг минимуми

Сўз бирикмаларини ўрганиш билан боғлиқ иккинчи муаммо – ўқув луғати учун уларни танлаб олиш ва ўқув луғатида уларни жойлаштириш муаммосиди. Луғат материалининг тўлиқ семантизациясини таъминлаш учун, унга танлаб олинган бош сўзлар ва луғат мақолаларига киритилган барча эркин ва турғун сўз бирикмалари, мақол ва маталлар ва гапларнинг она тилидаги таржимаси берилган бўлиши мақсадга мувофиқдир. Худи шу принцип бўйича луғатимиз тузилиши назарда тутилган. Унга, масалан, фақат «Сиёсат» мавзуси бўйича энг кўп учрайдиган 1221 та эркин ва турғун сўз бирикмалари киритилган. Луғат сиёсат мавзусини ёритиш учун зарур бўлган сўзлар билан тўлдирадиган. Моҳияти бўйича бу луғат сиёсат мавзуси бўйича икки тилда берилган лексик минимумдир.

Минимумга киритилган сўзлар мавзулар ва майда мавзулар бўйича тақсимлаб чиқилган. Бош мавзу сифатида асосан отлар қўлланган. Луғатда бош сўзларнинг мавзу доирасидаги бирикиши ўз аксини топган. Бунда француз тилида учрайдиган барча бирикмалари берилмасдан, фақат минимумдаги сўзлардан тузилганлари берилган. Умуман олганда, ўқув мавзули луғат энг аввало нутқни ўстириш бўйича қўлланма бўлмоғи керак. Бироқ нутқни устириш унинг ягона вазифаси эмас. Мавзули луғат «Сиёсат» асарлари матнини тушунишга ёрдам бериши ҳам лозим.

Яна бир муаммо: бу «Сиёсат» мавзусига оид сўз бирикмаларини ўзбек тилига таржима қилиш муаммосидир. Юқорида биз турғун сўз бирикмаларининг морфологик ва синтактик табиатини таҳлил қилдик. Синтактик характеристикаси бўйича «Сиёсат» тушунчаларини ифодаловчи турғун иборалар турли кўринишларга эга бўлар экан. Француз тили ифода усулига кўра аналитик тил ва ўзбек тили эса агглютинатив тил эканини ва улар синтактик сатҳда сўзларнинг иборалар таркибидаги ўрни бўйича бир-биридан тубдан фақ қилишини инобатга оладиган бўлсак, масаланинг нақадар жиддий эканлигига ишонч ҳосил қилаоламиз. Яна бир нарсани эсдан чиқармаслигимиз керак. Бу таржиманинг ижтимоий нормага мос келиш масаласидир. Қиёслаб кўрайлик: *haut fonctionnaire* ва *масъул ҳодим* (айнан бир тушунчани ифодалаш учун францу ва ўзбек таълим тизимида турли сўзларнинг танлаб олиниши) ва ҳакозолар.

Чет тили дарсларида «Сиёсат» мавзусидаги матнларни ўқиш, таржима қилиш, уларнинг мазмунини оғзаки ва ёзма баён этиш жараёнида сўз бирикмалари ҳақида тушунча ҳосил қилиш тил ўрганишни осонлаштиради. Шу сабабли ўқувчиларга сўз бирикмаларининг турлари, маънолари ва гапдаги бажарадиган функциялари ҳақида тушунча бериш, оғзаки ва ёзма нутқда уларни қўллаш малакаларини орттириш муҳим аҳамият касб этади. Ўқувчилар сўз бирикмаларини ўрганиш ва уларни нутқда қўллаш малакаларини ҳосил қилишда бирмунча қийинчиликларга дуч келадилар. Бу қийинчиликлар сўз бирикмалари грамматик қурилишининг мураккаблиги, маъносининг турли-туманлиги ва ўзбек тилидаги сўз бирикмаларидан ифода ва маъно жиҳатидан фарқланиши билан боғлиқ.

Маълумки, сўз бирикмаларининг компонентлари тобелиги боғланиш асосида ҳосил бўлади ва бир бутун маънони ифодалайди. Ҳар бир тилда ана шу боғланишни юзага келтирадиган грамматик воситалар мувжуд. Француз тилида « N_1+de+N_2 » сўз бирикмасининг компонентлари орасидаги тобе боғланиш «de» предлоги ҳамда артиклар ёрдамида, шу сўз

бирикмасининг ўзбек тилидаги эквивалентларида эса келишик кўшимчалари ва сўз тартиби орқали ҳосил бўлади.

Француз ва ўзбек тилларидаги сўз бирикмалари компонентларнинг жойлашув ўрнига қараб ҳам бир-бирларидан фарқ қилади. Француз тилига олдин ҳоким, кейин эса тобе сўзнинг жойлашуви хос. Ўзбек тилида бунинг аксини кузатиш мумкин.

Қиёсланаётган отли сўз бирикмаларининг маъносини аниқлашда юқорида келтирилган ёрдамчи сўзларнинг тобе сўз олдидан қўлланилишига эътибор бериш лозим.

Ўқитувчи отли сўз бирикмаларнинг француз тилида қўлланиши, уларниш грамматик қурилиши, маънолари ва сўз бирикмаларини ҳосил қилишда ёрдамчи сўзларнинг ролини ўқувчиларга пухта ўргатиши лозим. Бунинг учун француз тилидаги отли сўз бирикмаларининг ўзбек тилидаги эквивалентлари билан қиёслаб тушинтириш, тарқатма материаллардан оғзаки ва ёзма машқлардан, турли характердаги кўрсатмали қуроллардан, техник воситалардан фойдаланиш ўқувчиларнинг чет тилини ўрганишига бўлган қизиқишларини орттиради, нутқ малакаларини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

1.4. Бир тилли мавзули луғатлар яратишда ономасиологик кодификациялашнинг имкониятлари

Ўқув мавзули луғат лексикографик қўлланма сифатида ҳали шаклланиш жараёнида турибди. Шунинг учун ҳам бундай луғатни тузиш ва уни ўқув жараёнида қўллаш соҳасида кўплаб назарий ва услубий масалаларнинг вужудга келиши тушунарлидир. Энг аввало «мавзули луғат» номининг ўзини ойдинлаштириш керак бўлади, чунки бу атамадан фойдаланаётган луғатшунослар ва методистлар бу атама мазмунига ҳар хил маъно киритмоқдалар. Натижада мавзули луғат шу турдаги бошқа ўқув қўлланмаларидан етарлича аниқ чегараланмаяпти. Сўзларни мавзули таснифлашда анчагина қийинчиликлар пайдо бўлмоқда. Тилнинг сўз ва

фразеологик бирликларини мавзули тақсимлаш принциплари махсус тадқиқотларга муҳтождир. Фразеологик фонднинг мавзули луғатлардаги ўрни ва улушини назарий жиҳатдан асослаб бериш масаласи ҳам ҳали ечимини кутмоқда. Мавзули луғатда берилиши керак бўлган сўзларнинг семантик ҳажмини аниқлаш билан боғлиқ масала алоҳида эътиборга лойиқдир. Кўп маъноли сўзларни алоҳида ўрганиш жоиз бўлади. Ўқув луғатлари, шу жумладан мавзули луғатлар учун сўзларни танлаб олиш аллақачон мураккаб иш бўлмай қолган. Ўқув луғатшунослигида кўпмаъноли сўзларнинг лексико-семантик вариантларини танлаш масаласи энг долзарб масала ҳисобланади. Полисемантик сўзларнинг барча актуал маъноларини ҳисобга олмасдан туриб, фаол турдаги бўлажак мавзули луғатларни тасавур қилиш қийиндир. Ўқитишга мўлжалланган мавзули луғатлар фаол бўлишлари керак, улар сўз бирикмалари ва гаплар асосида тузилиши, яъни коммуникатив бирликлар бўйича материалга эга бўлиши лозим. Мавзули луғатга киритиш учун сўз бирикмаларини танлаб олиш билан боғлиқ бир қатор масалалар кўндаланг бўлмоқда: сўз бирикмаларини танлаб олиш принциплари, уларни луғатда жойлаштириш тартиби ва шу қабилар.

Асосига лексиканинг мавзули таснифи жойлаштирилган луғат мавзулидир. Маълумки, мавзули таснифлаш реал болиқдаги предметлар ва ҳодисаларнинг таснифига таянади. Мавзули гуруҳлар жиҳоз, кийим, бош кийими, ҳафта ва ой кунларининг номларини, транспорт турлари номларини, ўсимликларнинг номларини ва у қабиларни ўз ичига олади., Мавзули гуруҳлар майда гуруҳлардан ташкил топиши мумкин. Масалан, ҳайвонлар гуруҳида яввойи ва уй ҳайвонлари бир-биридан фарқланади ва шунга ўхшаш.

Сўзларни мавзули таснифлаш бирликларнинг босқичма-босқич тизимидан иборатдир. Бу бирликлар ўқитиш мақсадларига, лексик минимумга кирувчи сўзларнинг доирасига кўра ҳар хил ҳажмда бўлиши

мумкин. Шу туфайли ўқув луғатларида сўзларнинг мавзули гуруҳлари тўла тақдим этилмайди.

Мавзули гуруҳлар сўзларнинг лексик-семантик разрядларидан фарқ қилади. Тил луғат таркибини лексик семантик таснифлаш сўз маъноларини ҳасобга олган ҳолда амалга оширилади. Масалан, *proximité, approche, intimate, affinité, fidélité* сўзлари семантик умумийлик асосида бир лексико-семантик гуруҳга бирлашган. Ҳамма сўзлар «яқинлик» семасига эга.

Бироқ мавзули таснифлаш сўзнинг лексик маъносига ҳеч қанақа алоқаси йўқ деб ўйламаслик керак. Нофақат денотатни кўрсатиш, балки айнан шу предмет кирган синф тўғрисидаги ахборот ҳам сўзнинг лексик маъноси таркибига киради. Сўзларнинг лексик-семантик ва мавзули гуруҳларининг ўзаромуносабатлари тўғрисида гапирганда, кўп маъноли сўзлар ўзларининг ҳар хил маъноларида кўпинча ҳар хил мавзули гуруҳларга мансуб бўлишини ҳам таъкидлаш зарурдир. Шу боисдан мавзули луғатда айнан бир сўзнинг айрим ҳолларда бир неча мавзули гуруҳлар таркибида учрашиб қолишини мавзулар бўйича сўзларни тақсимлаш принципларининг бузулиши деб қарамаслик керак.

Мавзули луғат сўз семантикаси тўғрисида кўп миқдорда ахборот берувчи луғат туридир. Бундай луғатда мавзуларга тақсимланган сўзлар сўз бирикмаларида берилади. Мавзули гуруҳларга яна мавзу бўйича боғланмаган, аммо вазиятга кўра зарур бўлган сўзлар ҳам киритилади. Масалан, *enfant, gamin, gosse, garçon, bambin* мавзули гуруҳни ҳосил қилади ва бу гуруҳ билан муҳитга кўра *pleurer, jouer, s'amuser, parler* ва ҳ.з. сўзлари боғланган бўлади. Бу сўзларсиз бола мавзусини тўлиқ ёритиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам мавзули луғатда вазиятда зарур бўлган лексика кенг қўлланади. Бу ҳолат нофақат отга, балки бошқа сўз туркумларига ҳам тегишлидир. Гап шундаки, фақат отларгина соф мавзулар бўйича осон таснифланади. Лексик минумумда берилган сўз туркумига мансуб бошқа сўзлар эса отлар билан бирикиб, отнинг мавзули гуруҳларига хизмат қилади. Шунинг учун ҳам ўқув мавзули луғатини

тузишда отларни мавзули таснифлаш эмас, сўз туркумининг бошқа сўзларини мавзулар бўйича тақсимлаш ва уларни от сўз бирикмаларида бериш масаласи асосий қийинчиликни келтириб чиқаради. Масалан, қуйидаги туркумларга мансуб сўзларни ономасиологик тизимлаштириш йўллари қиёслаб кўрайлик:

1. *Cheval* оти: отларнинг сортлари, анатомияси, ранги, характерлари ва нуқсонлари, касалликлари, бирор хил юриши, ҳаракатлари, от боқиш, ишлатилиши, от миниш (спорт), пойгалари (чопишлари), нисбатлари.

2. *Livre* оти: китоб хиллари, китобнинг деталлари, наشري, тарқатилиши, кутубхона.

3. *Aimer* феъли: туйғуни хис қилмоқ, туйғуни жонлантормоқ, ким севади ёки ким севилади, севги лаззатини сезмоқ.

4. *Froid* сифати: *froid*нинг табиати, *froid*дан касалликлар, *froid*нинг кўлланиши.

I боб бўйича хулоса

Тил ҳодисаларини кўриб чиқишнинг ономасиологик усули гапирувчи ўз фаолиятида қандайдир тилдан ташқаридаги мазмунга асосланишини назарда тутди ва бу мазмунни тил шаклига ўтказди; бунда гапирувчи ихтиёрида бўлган тил тизимидан у ёки бу тил шаклини танлаб олади ва тизим-тил ҳолатидан нутқ ҳолатига янгидан ўзгартиради (формуласи: "тилдан ташқари мазмун → тил шакли/тил тизими → нутқ"). Семасиологик ёндашув тингловчининг нутқ фаолиятини биринчи планга чиқаради ва, демакки, тесқари (қарама-қарши) ўтишларни ҳисобга олади: "нутқ → тил тизими/ тил шакли → тилдан ташқари мазмун". Тингловчи ўз фаолиятида нутқ материалига таянади, бу материал асосида унинг онгида тил тизими шаклланади. Бу тизимдан фойдаланиб, у гапирувчи томонидан тақдим этилаётган тил шаклини тушунади, яъни уни у ёки бу тилдан ташқаридаги мазмун билан ўзаро нисбатлайди.

Француз тилидаги луғатлар уч турдаги ахборотни кодификациялашига қараб, бир-биридан фарқ қилади: а) лингвистик ахборотни кодификациялаш б) идеологик ахборотни кодификациялаш ва в) энциклопедик ахборотни кодификациялаш.

bon tabac *m*, porteur *m* de paroles, combinaison *f* de dessous la table, tireurs *m* *pi* de ficelles, faire mouvoir les fils, faire une bonne couverture, servir de couverture, danser (être) sur la corde raide, jouer sur les deux tableaux, ioiier sur tous les tableaux à la fois, engager dans le mauvais pas, tirer par l'oreille, se tirer d'affaire, payer son écot, il paye son écot, manger son gâteau dans sa poche, partage *m* du lion, part *f* du lion, il y a trop de chiens après un os, voilà bien des chiens après un os, Il sait cheminer, cela ne fait pas un pli, chiffon *m* de papier,

preuve f palpable, tenir la preuve, mettre papier sur table, vous êtes orfèvre (monsieur Josse).

Homme de peu de condition

homme *m* de peu de condition, petit compagnon *m*, petit garçon *m*, garçon de course, garçon d'étage, garçon de bureau, gent f moutonnaire, suivre le mouvement, être dans les bonnes grâces de qn, concilier les bonnes grâces, bonnes grâces *f pl*, se faire petit, se faire petit devant qn, se faire tout petit, être comme l'oiseau sur la branche, être sujet au coup de cloche (de marteau, de sonnette), être sujet aux ordres de qn, sous les ordres de qn, prendre l'ordre, être (vivre) sous les lois de qn, (marcher sous la loi de qn), être (vivre) sous l'obéissance de qn, prêter obéissance à qn, être à la dévotion de qn, être en lisières, être le bouc émissaire, tendre le dos, tendre le cou, avoir qn au-dessus de sa tête, avoir un fil à la patte, sous la patte de qn, avoir les mains liées, pieds et poings liés, se laisser conduire (conduire comme un enfant, mener par le nez comme un buffle), obéir (filer) au doigt et à l'œil, tomber au pouvoir de qn, se mettre au service de qn, se mettre à la discrétion de qn, se trouver à un carrefour, mettre deux pieds dans un soulier, avoir un pied dans deux chaussures, avoir la visière courte, tâter le pavé, disputer le haut du pavé, céder le haut du pavé, battre en retraite, faire des concessions, ne tenir qu'à un cheveu (qu'à un bouton), demeurer dans les ténèbres, glisser entre les mains, changer de main, jeter la robe aux orties, sortir par la bonne (grande) porte, se casser (se tordre, se rompre) le cou, être (rester) en plan, passer la main à ..., s'obliger corps et biens, servir de cobaye *m*, servir de tampon, fléchir (ployer) le genou, faire sa soumission, danser au violon de qn, ne pas peser une once, s'abandonner (se remettre) à la miséricorde de qn, mettre qn à tous les jours, c'est une pure machine, c'est un vrai mannequin, il faut se soumettre ou se démettre, fendre l'oreille à qn, faire son office, en service commandé, hors de service, sans lendemain, comme il y en a tant, ni lard ni cochon, de type standard, cet homme montre la corde, *плохи* il a fait son temps, je ne vous retiens plus, j'ai eu mon paquet, tu peux te taper (de ...), , se remettre en selle, se faire son lit, avoir son

pain cuit (assuré), voguer en pleine mer, planter son clou, projeter des racines, être bien campé dans le monde, soutenir son rang, tenir son rang, mettre en réputation, ragréer sa réputation, recouvrer (reprendre) ses droits, rentrer dans ses droits, rentrer dans l'ordre.

Protection

être aux lieu et place de qn, avoir qch dans un sac, avoir le bras long (les bras longs), couler (dire, glisser, souffler) un mot à l'oreille, faire jour à qn, pousser un ami, de la main de qn, faire et défaire, faire un sort à qn, donner rang, par rang d'ancienneté, monnaie f courante, c'est à prendre ou à laisser, cela me gante, cela fera planche pour la suite, il y a civet et civet, tout bois n'est pas bon à faire flèche, chaque (toute) médaille a son revers, la place des niais.

Processus de travail

mise f en chantier, mise en œuvre, mettre en œuvre, mettre toutes pierres (tout) en œuvre, mise en marche, mise en sevice, mettre en danse, se mettre à l'œuvre (au travail), déblayer (aplanir, balayer) le terrain, poser la première pierre, faire une panse d'à, en être à ses débuts, donner le signal de qch, avoir les gants de qch, vous n'en avez pas les gants, partir du pied gauche (du bon pied), d'une formule nouvelle, passer qch au gros sas, , sasser et ressasser, toucher à son terme, donner la dernière main, avoir un ouvrage en portefeuille, être au courant de son travail, conduire (mener, ramener) à bon port, arriver (toucher) au port, dernier coup *m* de rabot, donner le dernier coup de lime, mettre à point, prendre forme, être comme une poule qui a couvé des œufs de cane, celui-là vaut quinze!, poussée f de travail, coup *m* d'éperon, pousser un travail, être dans son coup de feu, aller au plus pressé, couper à trois traits de scie, racheter le temps, rattraper (regagner, réparer) le temps perdu, danser le galop, ne précipitez rien!, tant de bond que de volée (de bond ou de volée), il y a péril dans la demeure, cela sent le samedi, ficelles f *pl* (trucs *m pl*) du métier, faire un sort à qch, facile comme bonjour, faire qch avec le petit doigt, décrocher la lune, prendre la lune avec les dents, mettre un grain de sel sur la queue d'un moineau, la queue d'une affaire, planter là un travail, rentrer (rester, se retirer) sous la tente, cette affaire

est au croc, il y a quelque chose qui cloche, laisser couler l'eau, reprendre en sous-ordre, recommencer sur de nouveaux frais, reprendre qch en sous-œuvre, avoir les épaules assez larges pour faire qch, transporter qch à bras d'homme, à dos d'hommes, porter qch à bras tendu.

Labeur

avoir des affaires (de l'ouvrage) par-dessus la tête, n'avoir pas le temps de se tourner, (en avoir jusqu'aux yeux), ni trêve ni loisir, sans trêve ni relâche, ne se donner ni trêve ni repos, , sans débrider, sans paix ni trêve, avoir le corps tout moulu, être tout moulu, être fatigué de qch, être broyé (écrasé) de fatigue, avoir toutes les peines du monde à faire qch, demander la lune, percer le granit avec son front, coûter bien des pas, travaux *m pl* d'Hercule, travail *m* de Sisyphe, œuvre *f* de nonnain, avec beaucoup de peine, être à bout de forces, gagner sa vie (son pain) à la sueur de son front (corps), , gagner deux fois riens, se crever à faire qch, crever à la tâche, traîner de l'aile, essayer ses ailes, endosser le harnais, avoir mal aux reins, poser ses clous, poser la revendication, c'est travail-travail, on est en pleine mer, s'allonger une corvée.

Peine perdue

œuvres *f pl* mortes, travailler à crédit, en être pour sa peine, semer en terre ingrate, semer sur le sable (sur le vent), erdre sa peine, peine *f* perdue, c'est la mer à boire *iron*, c'est un os bien dur à ronger, c'est bien taillé, mon fils, maintenant il faut coudre, s'en aller (partir) en fumée, tout va à l'envers, le monde est renversé, c'est le monde à l'envers cela ne vaut rien, à quelque sauce que vous le mettiez, cela sert comme un cataplasme (un emplâtre) sur une jambe de bois, cela fait autant d'effet qu'une sang-sue sur une jambe de bois, cela sert comme une cinquième roue à un carrosse.

Travail forcé

travail *m* forcé, métier *m* (travail) de chien, bête *f* à dos (de somme), travailler comme une bête de somme, tonneau *m* des Danaïdes, traîner son lien (sa longe), collier *m* de misère, être sous le collier, prendre le collier, être sur les dents, travailler comme un galérien, se donner un mal de galérien, peiner comme un

damné, travailler à la corvée, faire la corvée, travailler comme un nègre, tirer à la rame, travailler à bride abattue, se saigner aux quatre veines, suer sang et eau (le sang de son corps), souffler dans des vessies trouées, se tuer le corps et l'âme, faire ses quinze tours, éparpiller ses efforts (ses forces), jeter sa poudre au vent, peloter en attendant partie, garder la lune des chiens, n'avoir pas de sens, accoucher d'une souris, porter de l'eau à la mer (à la rivière), coup *m* d'épée dans l'eau, battre l'eau avec un bâton (à coups de bâton), fendre l'eau avec une épée, faire plus de remous que de sillage, tourner comme un écureuil en cage, courir après les papillons, s'amuser à la moutarde (à la bagatelle), prendre le tison par où il brûle, boiter des deux pieds (des deux côtés), ne pas tourner rond, être (rester) en souffrance, user ses fonds de culotte *fam.*

II боб бўйича хулоса

Хулоса тарзида айтишимиз мумкинки, сиёсат концепти кенг камровли бўлиб, сиёсий ҳаётнинг барча жабҳаларини ўз ичига қамраб олади. Бу концептни ташкил этувчи компонентлар қаторига қуйидагиларни киритишимиз мумкин: а) сиёсий ҳаётда иштирок этувчи шахслар ва уларнинг сиёсий жамоалари; б) сиёсий ҳаётни юргизиш турувчи ва тартибга солиш туручи ҳокимиятлар – ижро ҳокимияти, қонун чиқарувчи ҳокимият, суд ҳокимияти; в) давлат бошқарувида қатнашиш ҳуқуқини берувчи сайловлар; г) давлат бошқарувининг маъмурий бўлинмалари, ва шунга ўхшашлар. Сиёсий ҳаётнинг турли қирраларини номлаш учун хизмат қиладиган 1221 та лексик бирликлар мавзулар бўйича тизимлаштирилди.

Қуйидаги лингвистик репрезентатлар «théâtre» тушунчасининг муҳим таркибий қисмларини ташкил қилади: жой, томоша, драматик асар, томошабинлар, спектакл, санъат, сахна, актер, касб. “Théâtre” тушунчаси моделининг сўз тасвирига қуйидагилар кирилади: ядро, яқин ва узоқ периферия. Яқин ва узоқ периферия тушунчанинг когнитив белгилари бўйича бир-биридан фарқланади, бу белгилар аниқлик даражаси бўйича

тартибга солинади. Ядрога санъат тури, сахна ҳаракати; l'art, dramatique каби сўзлар тегишли бўлади. Яқин периферия соҳасига соҳна, актер, томошабин, la scène, les acteurs, peuple каби сўзларни киритиш мумкин. Узоқ периферия соҳасига бино, персонаж, декорация, касб, les decorations, profession, le lieu, le personnage, l'œuvre, la profession. Француз тилининг луғатларидан жами 365 та лексик бирликлартанлаб олинди ва тегишли йщналишлар бщйича тизимлаштирилди.

“Олий мактаб” концептига оид 600 дан кўпроқ танлаб олинган лексик бирликлар қуйидаги мавзулари бўйича тизимлаштирилди: généralités, enseignement, facultés, travail, étudiants, équipement, études des langues, lecture, travaux écrits, professeurs, disciplines, examens, recreation.

«Иш» концептининг соҳаларига оид жами 1989 та лексик бирликлар танлаб олинди ва частотасига кўра улар қуйидаги тартибда тақдим этилди: conditions, organisation, emploi du temps, cadres, rémunération, bon travailleur, mauvais travailleur, carrière, chef d'entreprise, génie pratique, affaires, homme de peu de condition, protection, processus de travail, labeur, peine perdue, travail forcé.

III БОБ

“ФРАНЦУЗЧА-ЎЗБЕКЧА МАВЗУЛИ ЛУҒАТ”ДА ТИЛЛАРАРО ЭКВИВАЛЕНТЛАРНИНГ АКС ЭТИШ ДАРАЖАСИ

I бобда биз тил фактларини семасиологик ва ономасиологик ёндашиш асосида тадқиқот қилишнинг моҳиятини аниқлаб олидик, семасио-логик ва ономасиологик ёндашиш асосида тузилган ҳозирги француз луғат-ларни таҳлил этдик ҳамда мавзули луғатларида лексик бирликларини коди-фикациялашдаги муаммоларни файд этиб ўтдик. Иккинчи бобда асосий эътиборни “politique”, “enseignement supérieur”, “théâtre”, “travail” концептларига оид лексик бирликларни тизимлаштириш ва лексикографик кодификациялаштиришга қаратдик. Ишимизнинг учинчи бобида “Французча-ўзбекча мавзули луғат”да тиллараро эквивалентларнинг акс этиш даражаси аниқлаш ва ўрганиладиган концептлар бўйича лексик бирликларнинг французча-ўзбекча лексикографик вариантларини тайёрлаш устида фикр юритамиз.

3.1. “Французча-ўзбекча мавзули луғат”да лексик бирликларни кодификациялашда тилларга хос хусусиятлар

Маълумки, сўз бирикмалари икки мустақил маъноли сўзнинг нутқ жараёнида семантик ва грамматик боғланиши асосида юзага келади. Ҳар икки сўз биргаликда мураккаб маънони англатиш учун хизмат қилади. Чет тили дарсларида матнларни ўқиш, таржима қилиш, уларнинг мазмунини оғзаки ва ёзма баён этиш жараёнида сўз бирикмалари ҳақида тушунча ҳосил қилиш тил ўрганишни осонлаштиради. Шу сабабли ўқувчиларга сўз бирикмаларининг турлари, маънолари ва гапдаги бажарадиган функциялари ҳақида тушунча бериш, оғзаки ва ёзма нутқда уларни қўллаш малакаларини орттириш муҳим аҳамият касб этади. Ўқувчилар сўз бирикмаларини ўрганиш ва уларни нутқда қўллаш малакаларини ҳосил қилишда бирмунча қийинчиликларга дуч келадилар. Бу қийинчиликлар сўз бирикмалари грамматик қурилишининг мураккаблиги, маъносининг

турли-туманлиги ва ўзбек тилидаги сўз бирикмаларидан ифода ва маъно жихатидан фарқланиши билан боғлиқ. Ишимизнинг мазкур бобида француз тилида кенг тарқалган кўп маъноли ҳоким ва тобе элементлари от билан ифодаланган «N₁+de+N₂» сўз бирикмасининг грамматик қурилиши, маъноллари, шу сўз бирикмасининг ўзбек тилидаги эквивалентлари ҳақида фикр юритамиз.

Маълумки, сўз бирикмаларининг компонентлари тобелиги боғланиш асосида ҳосил бўлади ва бир бутун маънони ифодалайди. Ҳар бир тилда ана шу боғланишни юзага келтирадиган грамматик воситалар мавжуд. Француз тилида «N₁+de+N₂» сўз бирикмасининг компонентлари орасидаги тобе боғланиш «de» предлоги ҳамда артиклар ёрдамида, шу сўз бирикмасининг ўзбек тилидаги эквивалентларида эса келишик кўшимчалари ва сўз тартиби орқали ҳосил бўлади.

Француз ва ўзбек тилларидаги сўз бирикмалари компонентларнинг жойлашув ўрнига қараб ҳам бир-бирларидан фарқ қилади. Француз тилига олдин ҳоким, кейин эса тобе сўзнинг жойлашуви хос. Ўзбек тилида бунинг аксини кузатиш мумкин.

Масалан: Je crains que le cheval de Monsieur ne soit malade. (P. Mérimé) - *Сеньорнинг оти касал бўлиб қолдимикин деб қўрқаяпман.* L'amour de M-lle Elise avait valu à Julien la haine d'un des valets. (Stendhal) - *Эльзанинг муҳаббати хизматкорлардан бирининг қалбида Жюльенга нисбатан адоват туғилишига сабаб бўлди.* - Monsieur O'Reilly - lui dit le duc en le conduisant dans la chapelle, - voyes-vous ces ferrets de diamants et dites moi ce qu' ils valent la pièce. (A.Dumas) - *-Жаноб О, Рейли-уни хонақоҳга олиб кириб деди герцог, -мана бу олмос шокилаларга бир қарангда, уларнинг ҳар донасининг баҳосини менга айтиб беринг.*

Қиёсланаётган отли сўз бирикмаларининг маъносини аниқлашда юқорида келтирилган ёрдамчи сўзларнинг тобе сўз олдидан қўлланилишига эътибор бериш лозим.

«De» предлоги ўзининг кўп маънолилиги ва қўлланилиш доирасининг кенглиги билан француз тилидаги бошқа предлоглардан фарк қилади. Бу предлог отли сўз бирикмаларини ҳосил қилишда иштирок этади. Предлог ёрдамида ҳосил бўлган отли сўз бирикмалар турли хил маъноларни ифодалайди ва кўп ҳолларда предметнинг белгисини билдиради, грамматик функцияси жиҳатидан сифатларга мос келади: *материал* une montre d'or тилла соат; *ҳослик* une salle d'attente кутиш зали; *характер, ҳолат* un homme de talent қобилиятли киши; *тур* une feuille de choux карам барги.

От сўз бирикмаларининг сифат функциясига ўтиши тобе сўзнинг ҳоким сўзга фақат предлог ёрдамида артиклсиз боғланиши билан боғлиқ. Отли сўз бирикмасининг ўзбек тилидаги эквивалентларининг компонентлари асосан сўз тартиби орқали, баъзан келишиқ кўшимчалари ёрдамида бир-бирлари билан боғланади. «N₁+de+N₂» сўз бирикмасининг тобе сўзи ҳоким сўзга бир вақтнинг ўзида предлог ва артикл билан боғланиши мумкин. Бундай ҳолларда отли сўз бирикмасининг компонентлари ўзларининг отлик функциясини сақлаб қолади ҳамда предметлар орсиддаги муносабатларни ифодалайди. Артикл қўлланиши натижасида ташкил топган сўз бирикмалари куйидаги маъноларни ифодалайди.

Грамматик функцияси жиҳатдан артиклларга мос келганлиги учун тобе сўз олдидан артикль ўрнида олмошлар mon, ton, son, notre... кўрсатиш сифатлари ce, cette, cet кабиллар ҳам қўлланилиши мумкин: La soeur de son mari était couturière. Elle vint aider Marie. - *Эрининг синглиси тикувчи эди. У Марияга ёрдам бергани келди.*

Ўқитувчи отли сўз бирикмаларнинг француз тилида қўлланиши, уларниш грамматик қурилиши, маънолари ва сўз бирикмаларини ҳосил қилишда ёрдамчи сўзларнинг ролини ўқувчиларга пухта ўргатиши лозим. Бунинг учун француз тилидаги отли сўз бирикмаларининг ўзбек тилидаги эквивалентлари билан қиёслаб тушинтириш, тарқатма материаллардан оғзақи ва ёзма машқлардан, турли характердаги кўрсатмали қуроллардан,

техник воситалардан фойдаланиш ўқувчиларнинг чет тилини ўрганишига бўлган қизиқишларини орттиради, нутқ малакаларини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

3.2. “Французча-ўзбекча мавзули луғат”да лексик бирликларни кодификациялашда тилларга хос хусусиятлар

Тил нормаси нутқ маданияти масаласи билан барчас боғлиқ бўлиб, тил назарияси проблемалари каторидан мустаҳкам ўрин олгани ҳолда, кишилар олдин асосан тўғрини нотўғридан ажрата билиш, тил традицияси кўтара оладиган ҳолатларни ҳар хил тасодифий, нотрадицион кўлланилишлардан фарқлай олиш каби вазифаларни кўяди.

Одатда барча ёшлиқдан ўрганилган, одатланилган воситалар норма сифатида қабул қилинади. Бинобарин, ҳар бир диалект соҳиблари ҳам ўзларининг нутқларини гўғри ҳисоблаганлари ҳолда, бошқа диалектларда гапирувчиларни, ҳатто адабий нутқда сўзловчиларни ҳам тил нормасини бузаётганликда айблайдилар. Аммо ҳаммабоп умумхалқ тили нутқнинг адабий формаси бўлиб, формани эгаллашнинг асосий шарти тилнинг адабий нормаларини ўзлаштириб олишдир. Сўзловчи адабий тил нормаларини нутқига сингдириб олар экан, ҳамиша унинг бузилишига қарши онгли равишда курашади ва ўз кунлик ҳаёти ва фаолиятида ундан иложи борича унумли фойдаланишга, энг нозик ва ранг-баранг маъно оттенкаларини ҳам тўғри ва силлиқ ифода этишга ҳаракат қилади.

Норма масалалари асосан кенг тил тажрибаси, биринчи навбатда, обрўли ва ишончли манбалар асосида ҳал қилинади. Бу манбалар асосан адабий ёдгорликлар бўлиб, уларни яратган бадиий сўз санъаткорлари адабий тилнинг ўсиш ва раванқ топишига, нормаларининг шаклланишига катта таъсир кўрсатадилар.

Ҳар бир миллий тил нормалашган, аниқроғи, нормалар йиғиндисидан ташкил топган бўлади. Тил таркибидаги барча лексик-фразеологик бирликлар нутқда ўз маъно ва стилистик функцияларига кўра қўлланилади,

интонация ва талаффуз қоидалари асосида ўқилади, муайян шакллари заминида табиий жаранглайди. Сўзларнинг ясалиш ва мураккаб воситалар таркибида ўзаро бирикишларида ҳам, жумлаларнинг қурилишларида ҳам муайян қонуниятлар мавжудки, фикрнинг нормал ёки анор мал тарзда ифода этилиши айни қонуниятлардан даражада фойдаланишга боғлиқ бўлади. Бадиий сўз санъаткорлари, шу жумладан таржимонлар ҳам ўз ижод ва фаолиятларида мазкур норма сифатида қабул этилган қонуниятлардан асоссиз равишда четга чиқмасликка, улардан унумли ва ўринли фойдаланишга ҳаракат қиладилар, чунки бу қонуниятларнинг бузилиши тил нормасининг бузилишига, ғайри табиий бирикмаларнинг юзага келишига, оҳанг табиийлигининг йўқолишга олиб келади. Гоҳо ёзувчилар стилистик мақсадларда, яъни бадиийликни, образлилик ва эмоционалликни ошириш ниятида онгли равишда қатъий адабий нормалардан атайлаб узоқлашиб, янги, ўзгача формалар ҳосил қиладиларки, таржима жараёнида бу хусусиятларни эътибордан соқит қилиб, традицион формаларга мурожаат қилавериш кўзланган стилистик мақсадларнинг йўққа чиқарилишига олиб келади. Ҳар қандай ҳосил қилинган янги форма, қўлланилиш қонуний ва мантиқий асос заминида яратилганлиги туфайли табиий жарангласа ва стилистик мақсадни ўтаса, таржима тилида танланган воситанинг ҳам муқобил хусусиятни ўзида акс эттириши функционал адекватликни юзага келтиради. Зеро қонунийва мантиқий асос заминида ҳосил бўлган воситаларгагина нормативлик касб этиш имконияти очилади.

Бундан ташқари, баъзан оригиналда қўлланилган бирикмаларни калька усулида муваффақиятли таржима қилиш ёрдамида ҳам табиий жаранглайдиган бирикмалар ҳосил қилинадикки, вақт ўтиши билан бу бирикмалар ҳам кўпинча тилнинг луғат таркибига сингиб, маълум фикр ва стилистик мақсадларни ифода этишнинг муайян мазмун ва шаклга эга бўлган зарурий воситалари сифатида қараладиган бирликларига айланади. Шундай қилиб, ёзувчи ва таржимонлар тилнинг муайян қўлланилиш

нормаларига эга бўлган воситаларидан унумли фойдаланишдан ташқари, ўзлари ҳам аста-секин нормативлик касб этиши мумкин бўлган мантикий асосли ва хушоҳанг воситалар яратадилар ва шу йўл билан адабий тилнинг бойиш жараёнига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшадилар.

Таржима назарияси бўйича яратилгап кўпгина илмий ишларда таржима тили нормаларига риоя қилиш устида эпизодик равишдагина, яъни амалга оширилгап таржималарнинг нуқсон ва фазилатлари ҳақида гап кетганда, таржима тили софлигига қай даражада эътибор берилганлиги тўғрисида фикр юритилиб, иккита-учта мисоллар таҳлили асосидагина тўхтаб ўтилади. Бу масала ханузгача махсус илмий текшириш объекти бўлган эмас. Қуйида биз ҳам ўз олдимизга айти масалани чуқур ва атрофлича ёритиб бершп вазифасини қўймаймиз, балки таржимада нутқ маданияти проблемасини қисқача ёритиш муносабати билан шу масала ҳақида ҳам баъзан фикрларни баён этамиз.

Таржима амалиёти далиллари шу нарсани кўрсатмоқдаки, гоҳо санъаткорларнинг таржима тили нормаларига ҳамда баъзи авторларнинг мавжуд нормалардан стилистик мақсадларда атайлаб чекинишлари натижасида ҳосил бўлган янги формаларга етарли даражада аҳамият бермасликлари туфайли таржима тилининг маданиятига путур етказилади. Бу ҳол, ўз навбатида, шакл ва мазмун бирлигининг ҳам бузилишига олиб келади.

Таржима тили воситалари бўзилишининг асосий сабабларидан бири шундан иборатки, таржимонлар баъзан автор текстига ҳаддан ташқари ёпишиб олиб, оригиналдагп лексик-фразеологик birlikлар ясалишлари ва компопентларининг ўзаро бирикишларини, бирикма ва жумлаларнинг қурилишлари ва сўз тартибларини ўзича сақлаб қолиш йўли билан кўпинча ҳарфхўрликка йўл қўйиб, таржима тили учун ёт бўлган шаклларни ҳосил қиладиларки, бу ҳол таржиманинг сунъий ва норавон жаранглашига, ҳатто автор кўзда тутган маъно ва стилистик функцияларнинг китобхонларга айнан етиб бормай қолишига ҳам сабаб бўлади. Шундай қилиб, формал

жихатдан аниқлик аксарият таржиманинг асосий мақсади бўлмиш тўлақонли бадий талқинга тўсқинлик қилади.

Таржима тилида танланган воситаларнинг оригинал тили қонун-қоидалари асосида вужудга келган бирикмалар, тузилган жумлалар қурилишларига мосланиб қолишлари таржималарнинг ноадекват жаранглашига олиб келади. Масалан, ит билан мушукнинг азалий адовати асосида «ўзаро келишмаслик» маъносининг образли ифодаси учун француз, рус ва ўзбек тилларида эквивалент турғун бирикмалар ҳосил бўлганки, улар бир-бирларидан таянч компонентларини ўзаро бириктирадиган элементлари билан фарқ қиладилар. «Chat» билан «chien» сўзлари «et» боғловчиси ёрдамида, «кошка» билан «собака» — «с» предлоги воситасида ва «ит» билан «мушук» дефис орқали бирикадиларки, бирикмаларнинг айна структуралари мазкур тилларда муқимлик касб этган бўлиб, таржима жараёнида ҳар қайси тил бирлиги шаклининг ўзидай сақланишигина табиий жарангдорликни юзага келтиради.

3.3. Лексик бирликларни кодификациялашда грамматик нормаларнинг аҳамияти

Нутқ маданиятининг муҳим омилларидан бири нутқнинг грамматик жихатдан пухта ва тўғри бўлишидир. Бу ҳол, биринчи навбатда, тилнинг адабий, шу жумладан, грамматик нормаларини пухта ўзлаштириб олиб, нутқ қурилишининг грамматик шакллари тўғри туза билишни талаб этади.

Грамматик нормаларга риоя қилиш аввало жумла шакллари яхши билиш ва улардан моҳирона фойдаланишни, сўнгра жумладаги ўзак, негиз ва қўшимчалар ўрталаридаги муносабатларнинг тўғри бўлишини, эга ва кесимнинг мослигини, иккинчи даражали бўлақлар хусусиятларига яхши эътибор беришни ҳамда сўз тартибининг қоидага мувофиқ бўлишини талаб этади. Тиниш белгилари жумлаларнинг тўғри тузилиши ва улардаги фикрнинг аниқ ифодаланиши учун хизмат қилар экан, уларнинг фикр

мақсадига мувофиқ қўйилиши ҳам муайян текстдаги фикрни ёзувчи баён этганидек тушуниш имкониятини беради.

Ҳар бир тилнинг ўзига хос хусусиятларга эга эканлиги оригиналда фойдаланилган грамматик шаклларни таржима тилига кўр-кўрона кўчиришни эмас, балки улар воситасида ифода этилган фикрларни муқобил шакллар ёрдамида функционал қайта тиклашни тақозо этади. Амалий фаолиятга шу нуқтаи назардан ёндашилгандагина таржима тилида оригиналдаги грамматик шаклларга мос шаклли воситаларнинг йўқлиги ўз аҳамиятини йўқотади. Бинобарии, икки тил шаклларининг ўхшашлиги формал характер касб этади.

Тил маданиятига риоя қиладиган, диди баланд бадиий ижод соҳибларимиз юксак савияли асарлар ва таржималар яратиб, адабий тилдан саводли фойдаланишнинг ажойиб намуналарини намойиш қилмоқдалар. Аммо қатор оригинал, айниқса таржима асарлар тилни кузатиш айрим қаламкашларнинг адабий тил имконият ва нормаларидан баъзи ҳолларда унумли ва ўринли фойдалана олмаётганликларини кўрсатмоқда. Улар фақат лексик ва стилистик чалкашлик ва ғализликларгагина эмас, балки тилнинг грамматик қонун-қоидаларига амал қилишда ҳам кўпгина хатоликларга йўл қўймоқдаларки, бу камчиликлар нутқнинг қонуний-табиий жарангдорлигини бузишдан ташқари, маънонинг нотўғри, баъзан мутлақо қарама-қарши ҳолда талқин этилишига ҳам сабаб бўлмоқда.

Қўшимчалар ўз вазифалари жиҳатидап муқаррар нормаларга эга эканликлари туфайли жумла таркибидаги сўзларнинг ўзаро алоқа-муносабатга киришларида муҳим роль ўйнайдилар. Шунинг учун ҳам нутқ маданияти қўшимчаларнинг ишлатилиш нормаларига ҳам қатъий риоя қилишни талаб этади.

3.4. Лексик бирликларни кодификациялашда мантиқий боғлиқликнинг роли

Маълумки ҳаёт, яшаш ниҳоятда чуқур мазмунга эга. Акс ҳолда ҳеч бир мавжудот онгли ёки беихтиёр равишда унга интилмаган, уни севмаган

бўлар эди. Ҳаётнинг бу қадар чуқур мазмун касб этиши уни ташкил этади- гап барча компонентларнинг ўзаро мантиқий боғланишда эканлигида ҳамдир. Жумладан, инсон ҳаёти ҳам мантиқий асос заминига қурилганлиги учун у доимий мантиқий ўсиш ва ўзгаришдадир. Умуман ҳаёт тасодифлардан холи бўлмагани ҳолда, кўпинча кишилар назарида юзаки тасодифдай туюладиган ҳаёт воқеа-ҳодисалари асосида ҳам қонуниятлар, мантиқий боғланишлар мавжуд. Демак, мантиқийлик ҳаётини зарурат бўлиб, мантиқсизликка йўл қўйилиши ҳаёт қонуниятларининг сохталаштирилишига, бузилишига олиб келади.

Ўзаро мантиқий боғлиқлик инсон фаолиятининг барча соҳалари катори фикр алмашиш қуроли бўлган тил ҳодисаларига ҳам тааллуқлидир. Тилда фойдаланиладиган ҳар бир лексик ёки фразеологик бирлик эса маълум қоидалар асосида ясалишидан ташқари, бошқа бирликлар (жумланинг бошқа қисмлари) билан ҳам коллектив ақл-заковати, мантиқли тафаккурнинг маҳсули сифатида намоён бўладиган мавжуд қонун-қоидалар асосида бирикади. Бу, қоидага айланган тил нормаларига риоя қилмаслик тил маданияти ва традицияси, шунингдек, ундаги мантиқий бутунликнинг бузилишига ҳам олиб келади.

Умуман тил маданияти сингари таржима тили маданияти ҳам, биринчи навбатда, тилнинг маданий нормаларидан тўғри фойдаланишни тақозо этар экан, нормативлик деярли ҳамма вақт мантиқийлик билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, гоҳо у ёки бу фикр ҳар хил таржимонлар томонидан хилма-хил вариантларда баён этиладики, бу вариантларнинг баъзилари фонетик, лексик ва грамматик жиҳатлардан мантиқий тўғри тузилганликлари сабабли тил маданияти ҳазм даражасида бўлса, айримлари мантиқий асосдан холи бўлганликлари туфайли тил нормасидан, бинобарин, маданиятидан ҳам узоқ бўлади.

Ҳар бир баён этилган фикрда сўзлар, сўз бирикмалари ва жумлалар орасидаги ўзаро мазмуний боғланиш изчил, тушунарли, ишонарли, безиддият бўлиши керакки, нутқнинг айни хусусияти уни тафаккур

фаолияти билан бирлаштиради. Бас, шундай экан, ўз навбатида тафаккурнинг ўзи ҳам изчил, ишонарли, зиддиятсиз бўлиши зарур. Бу ҳол мантиқий бутунликни — тафаккур мантиқи билан нутқ-тил мантиқининг ўзаро боғлиқлигини юзага келтирадики, нутқ мантиқининг бузилиши фикрнинг нотўғри, ғайри табиий баёнига, бинобарин, кишиларнинг бир-бирларининг фикрларини тўғри, силлиқ ҳолда қабул қила олмасликларига олиб келади.

Ўзбек таржима мактаби намояндалари қўлга олган асарларининг ғоявий-бадий мазмунини ўз тилларида асосан тўғри акс эттираётган эканлар, бу ҳол асарларнинг таркибий қисми бўлмиш барча лексик-фразеологик birlikлар ҳамда фонетик ва грамматик ҳолатларнинг тил нормаларига мос ҳолда мантиқий жиҳатдан ҳам тўлақонли қайта тикланаётганлиги натижасидир. Жумладан, ўзбек китобхонлари жавонларидан ўрин олган хилма-хил халқлар ва мамлакатлар қалам соҳиблари асарларининг аксарияти мантиқан оригиналдагидай қайта яратилганликлари учун ҳам барчага манзур бўлиб, кенг жамоатчилик фақат уларнинг ғоявий йўналиши ҳақидагина эмас, балки бадий тили ҳақида ҳам тўла-тўқис тасаввур олмоқда. Бироқ мавжуд таржималарнинг баъзиларида умумхалқ тилига хос бўлмаган ғайри табиий ҳолатлар ҳам учраб турадики, улар асосан таржимонларнинг оригинал тили воситалари нормаси, структураси таъсирга берилиб кетиб, ҳарфхўрликка йўл қўйишлари ёки гоҳо жонли тил норма ва традицияларидан, қонун-қоидаларидан фойдаланишда ожизлик қилиб қолишлари оқибатида содир бўлади. Бу таржима тили маданияти ҳазм даражасида бўлмаган нуқсонларнинг айримлари мантиқий асосдан узоқликлари билан характерланадики, ишимизнинг ушбу бўлимида биз таржимонларнинг мантиқий бутунликни қайта тиклаш бобида эришган ютуқлари ва йўл қўйган нуқсонлари ҳақида қисқача фикр юритамиз.

Бу ерда фақат лексик-фразеологик birlikлар: таржимада мантиқан тўғри яратилиши ҳақида фикрларгина баёи этилади. Бу фикр ва

мулоҳазалар айти масала тўғрисида дастлабки маълумот ва тасаввурларгина бера олиши мумкин. Тил воситалари мантикий бутунлигининг таржимада қайта тикланиши масаласининг қониқарли даражада ёритилиши эса монографик характерга эга бўлган тадқиқотларни талаб этади.

Кўнчилик образли-эмоционал-экспрессив воситаларга назар ташлар эканмиз, уларда мужассамлашган маъно ва стилистик функцияларнинг эркин маънодаги лексик бирликларнинг ҳаётий ҳақиқатлар заминида ўзаро мантикий бирикуви асосида юзага келганлиги учун табиий жаранглашини, умумлаштириш ва образлилиқ яратиш қобилияти касб этишини кўрамизки, таржимада танланган муқобил воситалар ҳам айти қонуният ва хислатларга асосланган бўлсаларгина функционал адекватлик юзага келади.

Кўпроқ мушкул аҳволга, ҳаёт қийинчиликларига дучор бўлган кишиларга турк ва ўзбек тилларида «Ойнинг ўн беши қоронғи бўлса, ўн беши ёруғ» деб далда берилар экан, иборалар образлилигини юзага келтирган барчага маълум ҳақиқат, мантикий бутунлик табиий жарангдорликни таъминлайди. Бу ерда ҳаёт қийинчиликларининг муваққатлиги, уларнинг орқасидан албатта фаровонликнинг бошланиши каби фикр қоронғиликнинг муқаррар ёруғлик билан алмашиши каби мантикий жараён, ҳаётий ҳақиқат асосида табиий ифодаланган.

3.5. “Французча-ўзбекча мавзули луғат”ида сўз бирикмаларнинг минимуми

Сўз бирикмаларини ўрганиш билан боғлиқ иккинчи муаммо – ўқув луғати учун уларни танлаб олиш ва ўқув луғатида уларни жойлаштириш муаммосиди. Луғат материалининг тўлиқ семантизациясини таъминлаш учун, унга танлаб олинган бош сўзлар ва луғат мақолаларига киритилган барча эркин ва турғун сўз бирикмалари, мақол ва маталлар ва гапларнинг она тилидаги таржимаси берилган бўлиши мақсадга мувофиқдир. Худи

шу принцип бўйича бизнинг луғатимиз тузилган. Унга 1221 та ««Сиёсат»» мавзусида энг кўп учрайдиган эркин ва турғун сўз бирикмалари киритилган. Луғат «Сиёсат» мавзусини ёритиш учун зарур бўлган сўзлар билан тўлдирадиган. Моҳияти бўйича бу луғат «Сиёсат» мавзуси бўйича икки тилда берилган лексик минимумдир.

Минимумга киритилган сўзлар мавзулар ва майда мавзулар бўйича тақсимлаб чиқилган. Бош мавзу сифатида асосан отлар қўлланган. Луғатда бош сўзларнинг мавзу доирасидаги бирикиши ўз аксини топган. Бунда француз тилида учрайдиган барча бирикмалари берилмасдан, фақат минимумдаги сўзлардан тузилганлари берилган. Умуман олганда, ўқув мавзули луғат энг аввало нутқни ўстириш бўйича қўлланма бўлмоғи керак. Бироқ нутқни устириш унинг ягона вазифаси эмас. Мавзули луғат «Сиёсат» асарлари матнини тушунишга ёрдам бериши ҳам лозим.

Яна бир муаммо: бу «Сиёсат» мавзусига оид сўз бирикмаларини ўзбек тилига таржима қилиш муаммосидир. Юқорида биз турғун сўз бирикмаларининг морфологик ва синтактик табиатини таҳлил қилдик. Синтактик характеристикаси бўйича «Сиёсат» тушунчаларини ифодаловчи турғун иборалар турли кўринишларга эга бўлар экан. Француз тили ифода усулига кўра аналитик тил ва ўзбек тили эса агглютинатив тил эканини ва улар синтактик сатҳда сўзларнинг иборалар таркибидаги ўрни бўйича бир-биридан тубдан фақ қилишини инобатга оладиган бўлсак, масаланинг нақадар жиддий эканлигига ишонч ҳосил қилаоламиз. Яна бир нарсани эсдан чиқармаслигимиз керак. Бу таржиманинг ижтимоий нормага мос келиш масаласидир. Қиёслаб кўрайлик: *haut fonctionnaire* ва *масъул ҳодим* (айнан бир тушунчани ифодалаш учун францу ва ўзбек таълим тизимида турли сўзларнинг танлаб олиниши) ва ҳакозолар.

Чет тили дарсларида «Сиёсат» мавзусидаги матнларни ўқиш, таржима қилиш, уларнинг мазмунини оғзаки ва ёзма баён этиш

жараёнида сўз бирикмалари ҳақида тушунча ҳосил қилиш тил ўрганишни осонлаштиради. Шу сабабли ўқувчиларга сўз бирикмаларининг турлари, маънолари ва гапдаги бажарадиган функциялари ҳақида тушунча бериш, оғзаки ва ёзма нутқда уларни қўллаш малакаларини орттириш муҳим аҳамият касб этади. Ўқувчилар сўз бирикмаларини ўрганиш ва уларни нутқда қўллаш малакаларини ҳосил қилишда бирмунча қийинчиликларга дуч келадилар. Бу қийинчиликлар сўз бирикмалари грамматик қурилишининг мураккаблиги, маъносининг турли-туманлиги ва ўзбек тилидаги сўз бирикмаларидан ифода ва маъно жиҳатидан фарқланиши билан боғлиқ.

Маълумки, сўз бирикмаларининг компонентлари тобелиги боғланиш асосида ҳосил бўлади ва бир бутун маънони ифодалайди. Ҳар бир тилда ана шу боғланишни юзага келтирадиган грамматик воситалар мавжуд. Француз тилида «N₁+de+N₂» сўз бирикмасининг компонентлари орасидаги тобе боғланиш «de» предлоги ҳамда артиклар ёрдамида, шу сўз бирикмасининг ўзбек тилидаги эквивалентларида эса келишиқ кўшимчалари ва сўз тартиби орқали ҳосил бўлади.

Француз ва ўзбек тилларидаги сўз бирикмалари компонентларнинг жойлашув ўрнига қараб ҳам бир-бирларидан фарқ қилади. Француз тилига олдин ҳоким, кейин эса тобе сўзнинг жойлашуви хос. Ўзбек тилида бунинг аксини кузатиш мумкин.

Қиёсланаётган отли сўз бирикмаларининг маъносини аниқлашда юқорида келтирилган ёрдамчи сўзларнинг тобе сўз олдидан қўлланилишига эътибор бериш лозим.

Ўқитувчи отли сўз бирикмаларнинг француз тилида қўлланиши, уларниш грамматик қурилиши, маънолари ва сўз бирикмаларини ҳосил қилишда ёрдамчи сўзларнинг ролини ўқувчиларга пухта ўргатиши лозим. Бунинг учун француз тилидаги отли сўз бирикмаларининг ўзбек тилидаги эквивалентлари билан қиёслаб тушинтириш, тарқатма материаллардан оғзаки ва ёзма машқдардан, турли характердаги кўрсатмали қуроллардан,

техник воситалардан фойдаланиш ўқувчиларнинг чет тилини ўрганишига бўлган қизиқишларини орттиради, нутқ малакаларини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

3.6. Лексик бирликларни кодификациялашда тиллараро қонуний мосликлар ҳақида

Таржиманинг соф лингвистик масалаларига боғишланган ишлар бир талай. Буларга Я.Н.Рецкер, А.В.Федеров, Л.С.Бархударов, В.Н.Комиссаров, Т.Левицкая ва А.Фитерман, А.А.Реформатский, АД.Швейцер; Ғ.Саломов, А.Нарзиқулов, И.Мирзаев каби олимларнинг ишларини киритиш мумкин.

Ушбу мақолада таржиманинг лингвистик муаммолари таҳлилида тамал тоши вазифасини ўтаган, бугун ҳам ўз қийматини йўқотмаган ва афсуски, аксарият таржимашуносларимиз учун ҳам *terra incognita* бўлиб қолган бир мақола, аниқроғи, Я.Н.Рецкернинг «О закономерных соответствиях при переводе на родной язык» номли мақоласи ҳақида сўз юритамиз.

Мазкур мақола 1950 йилда Москвада «Теория и методика учебного перевода» номи билан чоп этилган мақолалар тўпламида эълон қилинган. Тўпламнинг 156-183-бетларида босилган ушбу мақола қисқача кириш билан бошланади. Унда муаллиф таржима ўқув фан сифатида мустаҳкам лингвистик асосга эга бўлиши, бундай асос ўз ичига тил ҳодисаларини қиёслаб ўрганиш ва аслият тили билан таржиматили орасида муайян мувофиқликларни аниқлаши лозимлиги ҳақида гапиради. Мазкур мувофиқликлар лексикада ҳам, фразеология, синтаксис, услубда ҳам кузатилади ва улар биргаликда таржиманинг лингвистик асосини ташкил қилади.

Таъкидлаш жоизки, тилшуносликнинг назарий умумлашмалари тил амалиёти жараёнида (нутқда) қўлга киритилса, таржиманинг лингвистик асослари таржима амалиёти жараёнида шаклланади. Шу муносабат билан

Я.И.Рецкернинг куйидаги сўзларига эътибор қилайлик: «При раскрытии смысла иностранной фразы необходимо одновременно учитывать и влияние каждого слова на смысл всего предложения, и влияние синтаксической структуры на функцию и значение каждого слова в отдельности. И все же без расчленения языкового материала на составные элементы никакое лингвистическое исследование невозможно» [Рецкер1950, 156].

Я.И.Рецкер лисоний материал таҳлили асносида аслият ва таржима тилларида қонуний мосликларнинг уч турини аниқлайди: эквивалентлар, аналоглар (ўхшашликлар) ва адекват (айнан бир хил, мос) таржима. Булар, муаллифга кўра, ягона мақсад - таржима мослигига эришишнинг турли воситаларидир [Қаранг: Рецкер 1950, 156-157].

Шундан кейин муаллиф қонуний мосликларнинг ҳар бирини алоҳида-алоҳида таърифлайди ва уларни тегишли мисоллар билан асослайди.

Эквивалент - контекстга боғлиқ бўлмаган тенг қийматли барқарор мувофиқлик. Эквивалент ёрдамида таржима қилинадиган сўз, одатда, матннинг муҳим унсурларидан ҳисобланади. Я.И.Рецкернинг кузатишларига қараганда, икки тилли луғатларда айнан лексик эквивалентлар кам учрайди. Бунинг сабаби шуки, ҳатто, шубҳасиз эквивалент саналган сўз ҳам контекстда ўз хусусиятини йўқотади. Асосан, терминлар, хусусан, байналминал, халқаро келишувлар асосида қабул қилинган терминлар эквивалентлик хусусиятига эга бўлади. Шунга қарамадан, ижтимоий-сиёсий характердаги терминлар, ҳатто, бир тил доирасида ҳам турлича талқин қилиниши мумкин. Масалан, *la grande guerre* (*the great war*) коммунист тилида «империалистик уруш»ни, империалист тилида «катта уруш»ни, сиёсатдан йироқ киши тилида эса «жаҳон уруши»ни англатади. Шунинг учун бундай терминлар таржимасида лисоний мосликларга, аслият характерида, контекстга эътибор бериш талаб қилинади.

Аналог - синонимлардан бирини танлаш асосида юзага келадиган мослик. Аслият матнидаги сўзнинг таржима тилида бир неча синоними бўлиши мумкин. Бироқ таржиманинг бу усули чет тил синонимларини яхши билишни тақозо этади. Муаллиф шундай мисоллар келтиради: *reliable sources* - «ишончли манбалар» (*reliable*) сўзининг луғавий маъноси -ишончли, мустаҳкам); *reliable information* - «ишончли хабар». Бу ерда *reliable* сўзини ўзининг синоними *trustworthy* билан алмаштириш мумкин. Айрим терминларни аналоглари билан ҳам алмаштирса бўлади. Мазкур усулнинг айниқса, синтактик ҳодисалар таржимасида кенг қўлланишини алоҳида таъкидлаш лозим.

Адекват таржима аслиятда ифодаланган фикрни аниқ ва тўлиқ бериш учун таржимоннинг ўзга тил матнидан, лексик-фразеологик мосликлардан узоқлашиши ҳамда мазмундан келиб чиққан ҳолда иш тутмоғи мақсадга мувофиқ. Бунда аслиятнинг ғояси ва услуби асосий мезон қилиб олинади.

Таржима жараёнида, Я.Й.Рецкер ўринли таъкидлаганидек, юқорида қайд этилган уч усул, одатда, аралаш қўлланади: мутахассис ҳаёлига дастлаб эквивалентлар (жой номлари, атоқли отлар; терминлар), кейин аналоглар (ўхшаш унсурлар) келади. Бу усуллар ёрдам бермаган ҳолатларда адекват таржимадан (муқобиллардан) фойдаланилади.

Муаллифнинг таржима усуллари қўллаиши доираси ҳақидаги фикрлари жуда асосли баён қилинган. Ҳақиқатдан ҳам, илмий-техник таржимада терминологик эквивалентларни, ижтимоий-сиёсий матн таржимасида аналогларни излаш ва топиш муҳим бўлса, бадий таржимада адекват таржима (тенг кийматли birlikларни топиш) кенг қўлланади.

Я.И.Рецкернинг мазкур мақоласида лексик-фразеологик мосликлар ҳақида ҳам сўз боради ва бунда асосий эътибор лексик (159-164-бетлар), синтактик (164-171-бетлар), ритмик-синтактик (171-174-бетлар) мувофиқликларга қаратилади.

Адекват таржима усулини муаллиф тўрт гуруҳга бўлади: а) ноаниқ ва мавҳум тушунчаларга аниқлик киритиш усули (175-178-бетлар); б) тушунча мазмунини мантикий ривожлантириш усули (178-б); в) антонимлар ёрдамида таржима қилиш усули (178-180-бетлар); компенсация усули (188-б); д) ижодий усул (180-182-бетлар). Бу усулларнинг барчаси конкрет мисоллар, шахсий тажриба ва малака натижалари асосида аниқ тушунтириб берилган (Я.И.Рецкернинг мазкур мақоласи ҳақида тўлиқроқ тасаввурга эга бўлиш учун қаранг: Швейцер 1973, 16-28).

Хуллас, Я.И.Рецкернинг қонуний мосликлар назарияси, бир томондан, таржиманинг лингвистик масалаларини ўрганишда мустаҳкам методологик асос вазифасини ўтаган ва ўтаётган бўлса, иккинчи томондан, таржима сифатини баҳолашда етакчи мезон бўлиб хизмат қилади. Атоқли таржимашунос А.В.Федоровнинг «Введение в теорию перевода» номли китобининг жаҳоний шуҳратига бу мақоланинг ҳам салмоқли улуши бор.

III боб бўйича хулосалар

Маълумки, сўз бирикмаларининг компонентлари тобелиги боғланиш асосида ҳосил бўлади ва бир бутун маънони ифодалайди. Ҳар бир тилда ана шу боғланишни юзага келтирадиган грамматик воситалар мувжуд. Француз тилида « N_1+de+N_2 » сўз бирикмасининг компонентлари орасидаги тобе боғланиш «de» предлоги ҳамда артиклар ёрдамида, шу сўз бирикмасининг ўзбек тилидаги эквивалентларида эса келишиқ кўшимчалари ва сўз тартиби орқали ҳосил бўлади. Француз ва ўзбек тилларидаги сўз бирикмалари компонентларнинг жойлашув ўрнига қараб ҳам бир-бирларидан фарқ қилади. Француз тилига олдин ҳоким, кейин эса тобе сўзнинг жойлашуви хос. Ўзбек тилида бунинг аксини кузатиш мумкин.

Грамматик нормаларга риоя қилиш аввало жумла шакллари яхши билиш ва улардан моҳирона фойдаланишни, сўнгра жумладаги ўзак, негиз

